БУТУН ДУН'Ё ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 25
14 МАРТ
ЯКШАНБА
1954 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 тиин.

## БУГУН — СССР ОЛИЙ СОВЕТИГА САЙЛОВ КУНИ.

## ҲАММА САЙЛОВГА!

**Коммунистлар блан партиясизлар халқ блокининг кандидатлари учун якдил бўлиб овоз берайлик!**

## Коммунистлар блан партиясизлар халқ блокининг ғалабаси учун

Бугун давлат ҳокимиятининг олий органи — СССР Олий Советига сайлов куни. Бу кунни бизнинг мамлакатимиз ўз кучлари гуллаб-яшнаган, экономика ва маданияти ғоят мавж уриб юксалган бир вазиятда кутиб олмоқда. Сайловчилар бугун сайлов қутилари олдига келиб, шарафли бурчаларини адо этар эканлар, ўзларининг ма'навий-сиёсий бирлигини, шонли Коммунистик партия атрофига, жонажон ҳукуматимиз атрофига ҳарқачонгидан ҳам маҳкам ва монолит жипслашганликларини яна бир марта намойиш қиладилар.

Ҳарбир сайловчи сайлов бюллетеньларини зўр фахр ва севинч блан қўлга олади, чунки бу бюллетеньлар совет кишиларининг иродаси, истак ва орзу-умидларини акс этдиради. Сайловчилар бюллетеньларини қутиларга ташлар эканлар, қонуний фахрланиш туйғусига тўлган ҳолда СССР граждани деган улуғ ва шарафли номга муяссар бўлганликлари учун беҳад шод ва хуррам бўладилар.

Бизда сайлов ишчилар, колхозчи-деҳқонлар ва совет интеллигентларининг бир-бирларига бўлган зўр ишончлари ва ҳамкорликлари шароитида ўтади.

Совет жамиятининг раҳбар ва етакчи кучи бўлган Коммунистик партия ўтган сайловлардагидек бу сайловни ҳам партиясизлар блан мустаҳкам блок тузган ҳолда ўтказмоқда. Бу блок ўтган сайловлардаги каби ўзининг қудратли ва енгилмас куч эканлигини намойиш қилади.

Коммунистлар блан партиясизлар халқ блоки шунинг учун ғалаба қозонадики, меҳнаткаш омма Коммунистик партиянинг халқ манфаатларидан ҳам юксак манфаатлари йўқлигини, Коммунистик партия чинакам халқ партияси эканлигини, партия, Совет ҳукумати ва халқ бирбирлари блан узвий боғланиб кетганлигини ўзининг кўп йиллик тажрибаларида яққол кўриб ишонч ҳосил қилгандир. Ана шунинг учун ҳам бугун миллионмиллион сайловчилар сайлов участкаларига келиб, коммунистлар блан партиясизлар халқ блоки учун якдил бўлиб овоз берадилар.

Совет халқи Коммунистик партия томонидан ишлаб чиқилган сиёсатни астойдил ма'қуллайди ва бирдамлик блан қувватлайди. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XIX с'ездининг, КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумининг тарихий қарорларида, партия ва ҳукуматимизнинг шундан кейинги қарорларида, ниҳоят партия Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган Пленуми қарорида мамлакатимизнинг ҳозирги давридаги тараққиётининг жанговар программаси кўрсатиб берилди. Бу қарорлар жонажон Ватанимизнинг куч-қудратини янада мустаҳкамлашга, экономика ва маданиятни зўр бериб ривожлантиришга, меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини ва маданий савиясини тўхтовсиз оширишга қаратилгандир.

Мамлакатимизда кенг миқ'ёда авж олиб кетган сайловолди социалистик мусобақаси миллионларнинг қудратли ҳаракатига айланди. Совет кишилари социалистик мусобақа байроғини баланд кўтариб, сайлов кунини меҳнатда янги зафарлар қозониб кутиб олдилар. Саноат корхоналарининг ишчилари, инженер-техник ходимлари мавжуд ресурслардан тўла фойдаланиб, меҳнат унумини оширмоқдалар, шонли колхозчи-деҳқонларимиз КПСС Марказий Комитети сентябрь ва март Пленумларининг қарорларини амалга ошириш учун курашиб, бу йил қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил олиш ниятида мустаҳкам замин ҳозирламоқдалар.

Партиямиз ҳаргалги сайлов даврида социалистик жамиятимиз ҳаётида ғоят зўр аҳамиятга эга бўлган янги вазифаларни олдинга суради ва у вазифаларнинг бажарилишини якунлайди. Партия ва ҳукуматимиз ўтган сайлов даврида совет экономикаси асосларининг асоси бўлган оғир саноатни янада ривожлантириш вазифасини олдинга сурган эди. Ўтган тўрт йил ичида бу улуғвор вазифа муваффақият блан амалга оширилди. Совет саноати ўтган йили бундан 4 йил илгаридагига қараганда 2,2 марта кўпроқ, ёки 1940 йилдагидан 3,8 марта кўпроқ машина ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқарди. 1953 йилда мамлакатимизда пўлат бундан 4 йил илгаридагига нисбатан қарийб 15 миллион тонна кўпроқ, ёки урушдан аввалги 1940 йилдагига нисбатан 2 мартадан зиёд кўпайди, прокат ишлаб чиқариш 11 миллион тоннадан зиёд, ёки 1940 йилдагига нисбатан 2,2 марта зиёд ортди. Шу тўрт йил мобайнида кўмир чиқариш 36 процент кўпайди ва 1953 йилда 320 миллион тоннага етди. Ўтган йили 52 миллион тоннадан кўпроқ, я'ни 1940 йилдагидан 70 процент кўпроқ нефть олинди. Шу тўрт йилда нефь чиқариш 58 процент ортди.

Мамлакатимизда электр қуввати ишлаб чиқаришда ғоят катта ютуқлар қўлга киритилди. 1953 йилда СССРда 133 миллиард киловатт-соатдан кўпроқ, я'ни 4 йил илгаридагига нисбатан 71 процент кўпроқ электр қуввати ишлаб чиқарилди.

Социалистик саноатимизнинг энг муҳим тармоқларининг ўсиши ҳақидаги бу ғалаба рақамлари партиямизнинг мамлакатни социалистик негизда индустриалашдан иборат доно сиёсати ғоят тўғри сиёсат эканлигини очиқ-равшан кўрсатмоқда.

Партиямиз ўтган сайлов олдидан социалистик қишлоқ хўжалигини ривожлантириш вазифасини қўйган эди. Бу вазифа ҳам муваффақиятли адо этилди. Шу давр ичида колхозлар янада мустаҳкамланди, МТСлар неча юз минглаб тракторлар, комбайн ва бошқа кучли машиналар олди. Совет техникаси блан қуролланган қишлоқ хўжалиги агротехника асосида, колхозчи деҳқонларнинг фидокорона меҳнати туфайли барқ уриб яшнамоқда, қишлоқ-хўжалик экинларидан йилдан-йилга мўл ҳосил олинмоқда. Чорвачилик маҳсулдорлиги ҳам ошмоқда.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Иттифоқ ҳукуматининг кўрсатаётган бениҳоя катта ёрдамлари орқасида, ленинча-сталинча миллий сиёсатнинг изчиллик блан амалга оширилиши туфайли Совет Ўзбекистонининг саноати, қишлоқ хўжалиги ва маданияти ҳам мисли кўрилмаган даражада ривожланди. Шу жумладан областимиз ва Совет Ўзбекистонининг пойтахти Тошкент шаҳрининг ҳам экономикаси йил сайин юксалмоқда. Шу тўрт йил ичида областимиздаги янги социалистик шаҳарлар — Чирчиқ, Бекобод, Олмалиқ, Оҳангарон, Янгийўл, Мирзачўл ва бошқа шаҳар ҳамда районларнинг саноат корхоналари ўсди, уларнинг қиёфаси ҳам бутунлай ўзгарди. Бу эришган муваффақиятлар учун ўзбек халқи, область меҳнаткашлари шонли Коммунистик партиядан, Совет ҳукуматидан бениҳоя миннатдордирлар.

Партиямиз мамлакатимизда социалистик саноатни янада ривожлантириш негизида енгил ва озиқ-овқат саноатини юксалтиришга, қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришини ахолининг озиқ-овқат маҳсулотларига, енгил саноатни эса хомаш'ёга бўлган эҳтиёжларини мўл-кўл қилиб таминлайдиган даражага кўтаришга жиддий э'тибор бермоқда.

Совет Иттифоқининг коммунистик қурилишда эришаётган муваффақиятлари бизнинг дўсларимиз — улуғ Хитой халқини, барча халқ-демократияси мамлакатлари ва Германия Демократик Республикаси халқларини илҳомлантирмоқда ва уларнинг ғайратига-ғайрат, кучига-куч қўшмоқда. Дун'ёдаги барча тараққийпарвар инсонят бизнинг Ватанимизни бутун дун'ёда тинчликни мустаҳкамлаш таянчи деб билиб, унга умид кўзлари блан қарамоқда.

Халқимизнинг содиқ фарзандлари — партия учун, Ватан учун ўзининг бутун ҳаёти ва фаолиятини бағишлаган, партия сиёсатини оғишмай амалга оширучи кишилар СССР Олий Совети депутатлигига кандидат қилиб кўрсатилди. Кандидатлар орасида партия, совет ва жамоат ташкилотларининг ходимлари, саноат, қишлоқ хўжалигининг илғорлари, фан ва маданият арбоблари бор. Коммунистлар блан партиясизлар блоки кўрсатган кишилар орасида ўз мамлакатининг отаҳин ватанпарварлари бўлган кўпгина хотин-қизлар ҳам бор. Бу халқ кандидатлари ўзларининг фидокорона меҳнатлари ва актив жамоатчи эканликлари блан умумхалқ ишончига сазовор бўлган кишилардир. Бугун сайловчилар халқимизнинг ана шу содиқ ўғил ва қизлари, умумхалқ кандидатлари учун якдил бўлиб овоз бердилар.

Бугун совет кишилари сайлов участкаларига келиб, коммунистлар блан партиясизлар блоки учун овоз берар эканлар, бу блан «Коммунистик партиянинг сиёсати учун, партия томонидан қўйилган вазифаларни амалга ошириш учун—социалистик саноатимизни янада яшнатиш ва қишлоқ хўжалигини кескин суратда ривожлантириш учун, халқнинг моддий фаровонлиги ва маданий савиясини тўхтовсиз ошириш учун, социалистик давлатимизнинг куч ва қудратини ҳартомонлама мустаҳкамлаш учун ва бу давлатнинг тинчликни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш учун, мамлакатимизда коммунистик жамият қуриш учун олиб бораётган курашида янгидан-янги муваффақиятларга эришиши учун овоз берган бўладилар» (КПСС Марказий Комитетининг сайловолди Мурожаатидан).

Сайловчи ўртоқлар, ҳаммамиз бир кишидек бўлиб сайлов қутилари ёнига борайлик, улуғ Социалистик Ватанимизнинг янада гуллаб-яшнаши учун, коммунизмнинг тўла тантанаси учун, коммунистлар блан партиясизлар халқ блокининг янги ғалабаси учун якдил бўлиб овоз берайлик!

Ҳамма сайловга!

## Кўпболали оналар мукофотланди

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми СССР Олий Совети Президиуми номидан, меҳнаткашлар депутатлари Самарқанд, Қашқадар'ё, Сурхондар'ё, Наманган ва Тошкент область Советлари ижроия комитетларининг тақдими блан кўпболали оналардан 5—9 бола туғиб тарбиялаган 650 онани ССР Иттифоқи орден ва медальлари блан мукофотлади.

138 она I, II, III даража «Оналик шуҳрати» ордени блан ва 512 она I, II даража «Оналик медали» медали блан мукофотланди. (ЎзТАГ).

## СССР Олий Совети сайлови шарафига

Тошкентдаги Л. М. Каганович номли паровоз-вагон-ремонт заводининг ишчилари сайлов шарафига ўз зиммаларига ортдирилган мажбурият олган эдилар. Улар ички резервлардан тўла фойдаланган ҳолда, технологиянинг янги процессларини ишлабчиқаришга жорий қилиб, юксак кўрсаткичларга эга бўлдилар.

Завод коллективи 26 февральда ишлабчиқариш икки ойлик планини муддатидан олдин бажарди. Пландан ташқари бирнеча минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Завод коллективи сайлов шарафига бошланган социалистик мусобақада қўлга киритилган ғалабаларни мустаҳкамлаб, квартал планини муддатидан илгари бажариш учун меҳнат вахтасида туриб ишламоқда.

**Ж. МАҲМУДОВ.**

## ОБЛАСТИМИЗНИНГ *шаҳар ва қишлоқларида*

### ЧИРЧИҚ МЕҲНАТКАШЛАРИ СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ДЕПУТАТЛИГИГА ҚАНДИДАТ ЎРТОҚ Л. М. КАГАНОВИЧ БЛАН УЧРАШДИЛАР

ЧИРЧИҚ, 13 март. (ЎзТАГ). «Средазхиммаш» заводи йиғув цехининг кенг корпуси байрамдагидек безатилган. СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Лазарь Моисеевич Каганович блан учрашиш учун бу ерга Чирчиқ шаҳрининг неча минглаб сайловчилари тўпланди.

Йиғилиш қатнашчилари президиумда ўртоқ Л. М. Каганович пайдо бўлганида уни гулдурос, давомли қарсаклар блан кутиб олдилар.

Сайловолди йиғилишида ишончли вакил, «Средазхиммаш» заводи касаба союз комитетининг раиси ўртоқ Давиденко биринчи бўлиб сўзга чиқди.

— СССР Олий Советига сайловда, — деди у, — Коммунистик партия партиясизлар блан биргаликда маҳкам ҳамжиҳат бўлиб ҳаракат қилмоқда. Партия, ҳукумат ва халқнинг бирлиги коммунизм қуриш учун қурашаётган совет халқи эришаётган барча ғалабаларнинг битмас-туганмас манбаидир.

Ўртоқ Давиденко ишонч билдириб айтдики, барча сайловчилар сайлов кунида сайлов қутилари олдига ҳеч иккиланмасдан келадилар ва коммунистлар блан партиясизлар халқ блокининг муносиб кандидати, давлатнинг кўзга кўринган арбоби Лазарь Моисеевич Каганович учун якдиллик блан овоз берадилар.

Чирчиқдаги Сталин номли электрохимия комбинатининг инженери ўртоқ Бурбаевга сўз берилади. Ўртоқ Бурбаев химикларнинг сайлов кунини меҳнат ғайрати ниҳоятда ошган вазиятда кутиб олаётганликлари тўғрисида гапиради. Комбинат коллективи партия ва ҳукуматнинг қишлоқ хўжалигини кескин суратда ривожлантириш ҳақидаги қарорларини амалга ошириб, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини кўпайтириш учун зарур бўлган минерал ўғитлар ишлаб чиқаришни тобора кўпайтирмоқда.

«Чирчиксельмаш» заводи модель цехининг токари ўртоқ Посисоев бундай деди:

— Қишлоқ хўжалик ишларини механизациялаш ишига «Чирчиксельмаш» заводининг коллективи катта ҳисса қўшмоқда. Чирчиқ машинасозлари Ленинграддаги Киров номли завод коллективининг ташаббусига қўшилиб, қишлоқ хўжалик машиналари учун запас қисмлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга қарор бердилар. Завод бу йил кўрак ва ғўзапоя йиғиштирадиган янги машиналарни ишлаб чиқаришни ўзлаштиради.

— Сайлов кунида, — деди ўртоқ Посисоев, — партиямизнинг ва Совет ҳукуматининг доно сиёсати учун, совет кишиларининг моддий фаровонлигини тобора ошириш учун, қудратли ва енгилмас социалистик Ватанимизни янада гуллаб-яшнатиш учун овоз берамиз.

Сайловолди йиғилишида Чирчиқ шаҳар партия комитетининг секретари ўртоқ Беглов, гидроэнергетика техникумининг студенти ўртоқ Маслакова ва бошқа сайловчилар ҳам сўзладилар.

Йиғилишда ҳамма томонидан самимий кутиб олинган СССР Олий Совети депутатлигига Тошкент—Ленин сайлов округидан кандидат ўртоқ Л. М. Каганович нутқ сўзлади.

### ПЛАНДАН ТАШҚАРИ 310 МИНГ СЎМЛИК МАҲСУЛОТ

Тошкентдаги 1-нчи нон заводининг коллективи СССР Олий Совети сайлови шарафига бошланган социалистик мусобақада олган мажбуриятини шараф блан бажарди. Социалистик мусобақада актив иштирок этган ўртоқ Теньков бошлиқ 2-нчи бригада ишчилари сайлов кунини ишлабчиқаришда янги муваффақиятлар блан нишонладилар.

Бригада а'золари январь ойи программасини 105,1 процент бажариб, 4,2 тонна ун тежадилар. Бригада февраль ойи топшириғини ҳам муддатидан илгари 115 процент бажарди ва 5 тонна ёқилғи иқтисод қилди.

Мусобақадош Довиденко бошлиқ 1-нчи бригада коллективи февраль ойида январь ойига нисбатан кўп маҳсулот ишлаб чиқарди ва уни а'ло сорт блан топширди.

Февраль ойида пландан ташқари 310 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган завод коллективи март ойининг биринчи ўн кунлигини самарали натижалар блан якунлади.

### «СРЕДАЗХИММАШ» ЗАВОДИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

**Умумхалқ байрами — СССР Олий Советига сайлов — 14 мартни Чирчиқ шаҳридаги «Средазхиммаш» заводи коллективи меҳнат соҳасида янги ғалабалар блан кутиб олди. Коллектив сайловолди меҳнат вахтасида туриб ишлаб, февраль ойи топшириғини муддатидан илгари бажарди ва пландан ташқари бирнеча минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди.**

**Мавжуд ишлабчиқариш майдонини кенгайтирмай туриб маҳсулот ишлабчиқаришни ошириш учун бошланган социалистик мусобақа ўзининг яхши натижаларини кўрсатаётир. 1-нчи қозон цехининг коллективи 1953 йилдагига қараганда 1954 йилнинг икки ойи ичида мавжуд ишлабчиқариш майдонидан махсулот олишни 20 процентга оширди. Цех коллективи февраль ойида кенг исте'мол моллари саноати корхоналари учун янги аппаратлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Сайловолди мусобақасида топшириқни 2—2,5 барабар қилиб бажарган Бородаченко ва Херюнский ўртоқлар бошлиқ комсомол-ёшлар бригадалари доимо олдинги қаторда бормоқдалар.**

**О. ЛЕВАК.**

### ОБЛАСТИМИЗНИНГ ЙИРИК САНОАТ ШАҲАРЛАРИ

## ЯНГИЙЎЛ

Кичкина бир қишлоқ ўрнида қачондир азим шаҳар пайдо бўлади, деб ота-боболарнинг ҳаёлига ҳам келмагандир, албатта. Чунки, ўтмишда шаҳар ўн йиллар мобайнида эмас, балки юз йиллар ичида барпо бўлар, генерал проект асосида планли равишда қурилмасдан, секинлик блан ўз-ўзидан кенгайиб борар эди. Гарчи қурилиш материаллари тош, кесакдан иборат бўлиб, уйлар кўримсиз ва пастқам бўлса-да, броқ, бундай «бошпаналар» авлоддан-авлодга мерос бўлиб қолучи бойлик ҳисобланарди. Бир парча ер ва катакдек кулба кўрмай умр ўтказучи оилалар ҳам кўп учрар эди.

Революциядан илгари ана шундай эди. Каттароқ иморатни қуриш бирнеча йилга чўзилар эди. Иморат қуриш инсон учун буюк бахт ҳисобланса-да, броқ, бу иш кўп азият-машаққат келтирар эди.

Совет замонасида мухташам саройлар, 30—40 хонали мактаблар, завод ва фабрикалар қуриш одат тусига кириб қолган кундалик иш бўлиб қолди. Ҳар қадамда, ҳар бурчакда, ҳар кўчада янги қурилишлар... Қишлоқлар, посёлкалар, шаҳарлар кўз ўнгимизда барпо этилмоқда. Шунинг учун биёбонда бир-икки йил ичида шаҳар пайдо бўлиб қолса, совет кишиси ҳайратда қолмайди.

Комфортабель автобус асфальт ётқизилган кенг магистрал блан ғизиллаб боради. Бу катта йўл республикамиз пойтахтини ғўзал Фарғона водиси блан, бепоён Зарафшон воҳаси блан боғлайди. Қўшни республикалардан иш блан келадиган автомашиналар шу йўл блан Тошкентга кирадилар. Тошкент — Янгийўл магистрали жуда серқатнов, енгил ва юк машиналари узлуксиз қатнаб турадилар. Сиз шу йўл блан Қовунчига бормоқчи бўласиз.

Қани Қовунчи? Илгариги Қовунчи қишлоғи ўрнида олмазор, мевазор, боғлар блан, уфуққача чўзилиб кетган бепоён пахта майдонлари блан қуршалган обод шаҳар пайдо бўлган. Бу — Янгийўл шаҳри!

Чорак аср мобайнида ўнларча саноат корхоналари қурилиб, бу шаҳар Ўрта Осиёнинг йирик саноат марказларидан бирига айланди.

Янгийўл пахта тозалаш заводи республикамизда энг катта ва ҳозирги замон техникаси блан қуролланган илғор завод ҳисобланади. Бу заводда ихтиро' қилинган ускуналар ҳозирги вақтда мамлакатнинг ҳамма пахта тозалаш саноатида қўлланилмоқда. Заводнинг инженер-механик ходимлари ишчилар блан ҳамкорликда 1953 йилда 10 та рационализаторлик таклифларини ишлаб чиқаришга жорий қилдилар. Бу таклифларнинг амалга оширилиши натижасида пахта толаси ва момиқ ишлабчиқариш кўпайди, маҳсулотнинг сифати яхшиланди. Завод коллективи бой техникадан унумли фойдаланиб, илғор иш методларини қўлланиб, фидокорона меҳнат қилиб, ўтган йил мамлакатга пландан ташқари 18 миллион сўмлик маҳсулот берди. Завод бу йил ҳам яхши ишламоқда, январь ойида планни анча ошириб бажарди, февраль ойида ҳам пландан ташқари 2 миллион 300 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди.

Янгийўл — озиқ-овқат саноати марказидир. Бу ерда ёғ заводи, консерва заводи, вино заводи, гўшт комбинати, сут маҳсулотлари ишлаш ва нон заводи бор. Янгийўл озиқ-овқат корхоналарининг маҳсулоти Ватанимизнинг пойтахти Москвага, Узоқ Шарққа, Болтиқ денгизи соҳилларига — ҳамма жойга юборилади.

Шаҳарнинг атрофида, узоқ-яқин қишлоқларнинг боғларида пишган олма, шўфтоли, узум, олхўри ва бошқа меваларни Янгийўл консерва заводи цехларида қиёмга аралаштирилиб, консерва қилинади. Тинч океанда сафар қилиб юрган денгизчилар, Узоқ Сибирьнинг ёғоч кесучилари, Камчатка балиқчилари, Курил ороллари ва бошқа ўлкаларнинг кончи ва овчилари бу консерваларни очаётганда қанчалик завқланадилар, дейсиз! Бу завод помидор, бодринг, бақлажонлардан ҳам хушбўй консервалар тайёрлайди. Бу йил завод томат ва шарбатларнинг янги хилларини чиқармоқда. Завод коллективи исте'молчиларнинг талабини тўла қондириш учун ғайрат блан ишламоқда. Фақат февраль ойида пландан ташқари юз минглаб сўмлик хилма-хил консервалар савдо ташкилотларига жўнатилди.

Янгийўл ёғ заводи ҳар ой ўнларча миллион сўмлик маҳсулот чиқаради. Бу завод ўсимлик мойи ишлаб чиқаришда республикамизнинг энг йирик корхоналаридан ҳисобланади. Завод хомаш'ёни қўшни заводдан олади, чигитдан мой чиқариб, чорва базалари ва колхоз жамоатчилигини озуқа-чиқит блан та'минлайди.

Янгийўл вино заводи ҳозирги замон механизмлари блан яхши ускуналанган янги корхонадир. Бу завод ишлабчиқариш планини ойдан-ойга ошириб бажармоқда. Янгийўл заводи ишлаб чиқарган хушбўй ва хилма-хил виноларни харидорлар севиб оладилар.

Бу шаҳарда қишлоқ хўжалигига хизмат қиладиган корхоналар ҳам кўпаймоқда. Республикада энг катта ва намунали-таянч машина-трактор станцияси шу ерда жойлашган. Авторемонт заводи, экскаватор станцияси, катта ғишт заводи ва бошқа корхоналар бор. Область қурилиш-монтаж бошқармаси ҳам шу ерда. Шаҳарнинг полиграфия саноати йилданйил ўсмоқда.

Янгийўл — мактаблар шаҳри бўлмоқда. Бу ерда ўнларча бошланғич, еттийиллик, ўнйиллик мактаблар бор. Сталин номли ўнйиллик мактаб биноси шаҳардаги энг чиройлик иморатлардан биридир. Икки қаватли бу мухташам билим юртида ишчи ва колхозчиларнинг мингларча болалари ўқийдилар.

Янгийўл — янги социалистик шаҳар бўлса-да, унда маданий муассасалар — клуб, кутубхона, кино-театр ва қизил чойхоналар кўп.

Янгийўл — республикамизнинг энг юқори ҳосилли районларидан бирининг марказидир. Пахтадан мўл ҳосил етиштиришда бутун мамлакатга донги чиққан ўнларча пахта усталари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари шу районда яшайдилар ва ижодий меҳнат блан шуғулланадилар.

Янгийўл шаҳрининг истиқболи порлоқ. Бу ерда яқин йиллар ичида Бутуниттифоқ аҳамиятига эга бўлган йирик корхоналар, маданий-маиший муассасалар қурилади. Социалистик Янгийўл Ўрта Осиёнинг йирик саноат ва маданий марказларидан бирига айланмоқда. Бундай шаҳарлар ленинча-сталинча миллий сиёсат тантана қилган бизнинг мамлакатимиздагина тарихий жиҳатдан қисқа бир муддатда барпо этилиши мумкин.

**Наби ЮСУФИЙ.**

### *Ички резервлардан фойдаланмоқдалар*

Гулистон районидаги «Красная заря» колхозининг а'золари КПСС Марказий Комитети Пленуми қарорини зўр хурсандчилик блан кутиб олдилар. Пленум қароридан руҳланган колхозчилар артель хўжалигини комплекс равишда ривожлантириш ва фойдаланилмай ётган резервларни ишга солиш тадбирларини белгиламоқдалар.

Колхозда ички резервлардан унумли фойдаланилмоқда. Натижада экин ерлари кенгаймоқда. Ўтган йили колхознинг пахта майдони қўриқ ерларни ўзлаштириш ҳисобига 80 гектарга кенгайтирилди. Бу йил колхоз механизация кучларидан тўлиқ фойдаланиб бўз, қамишзор 200 гектар ерни ишга солиб унга экин экади. Ўзлаштириладиган қўриқ ерлар ҳайдалиб, яхоб берилди. Экин экиладиган янги ерларнинг атрофларига ариқ қазилмоқда.

Партиямиз қарорига амалий иш блан жавоб бераётган юзлаб колхозчиларнинг кучи блан бирнеча километр масофадаги ариқ-зовурлар тозаланди, кўпгина эски ариқ, марзалар текисланиб, экин майдонлари кенгайтирилди, карталар яхлитлаштирилмоқда. Карматхон Умарова, Мунисхон Маҳмудова, Хонимқул Бекматов ва бошқа кўп колхозчилар иш нормасини ошириб бажармоқдалар.

«Красная заря» колхозининг а'золари бу йил боғ, токзор ва бедапояларни ҳам ўнлаб гектар кенгайтириш ва улардан юқори ҳосил етиштириш учун курашмоқдалар.

Шунингдек, Сирдар'ё бўйларига жойлашган Андреев номли колхоз а'золари 50 гектардан ортиқ зах ерларнинг мелиоратив аҳволини яхшилаб, чигит экишга ҳозирламоқдалар. «Красний Восток» колхозининг а'золари фойдаланилмай ётган янги ерларни ўзлаштириб ишга солиш учун бирқанча тадбирлар белгиладилар.

**М. ҒОЗИЕВ.**

### Чўл ерларни ўзлаштириб, мўл ҳосил етиштирамиз

Ховос районидаги Сталин номли колхоз а'золари КПСС Марказий Комитети Пленумининг «Мамлакатда ғалла етиштиришни янада кўпайтириш тўғрисида ҳамда қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш тўғрисида»ги қарорини жанговар иш программаси деб кутиб олдилар.

— Бу қарор, — дейди колхоз раиси ўртоқ Нуруллаев, — қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришнинг жанговар программасидир. Қарорда бош пахтакорлар учун ҳам муҳим кўргазмалар берилган. Биз фидокорона меҳнат қилиб, Ватанимизга кўп миқдорда пахта ҳосили етиштириб берамиз. Бунинг учун бизда ҳамма имкониятлар бор.

Колхоз а'золари СССР Олий Совети сайлови шарафига олган социалистик мажбуриятларини шараф блан бажариб, қўклам экишига пухта тайёрланмоқдалар. Колхозчилар йил сайин мўл пахта ҳосили етиштириш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар, бўз ерларни ўзлаштириш ҳисобига экин майдонини кўпайтирмоқдалар. Колхоз ўтган йил 780 гектар ерга чигит экиб, ҳар гектар ердан 26 центнердан ҳосил етиштиришга муваффақ бўлди. Колхозчилар партиямизнинг тарихий Пленуми қарорига амалий иш блан жавоб бериб, 200 гектарга яқин бўз ерларни ўзлаштириш мажбуриятини олдилар.

Янги ерларни ишга солиб гектаридан 35 центнердан ҳосил етиштириш учун курашаётган ўртоқ И. Олимов бошлиқ бригада бу йил ўнлаб гектар фойдаланилмай ётган ерларга чигит ва бошқа экинлар экади. Кўп миқдорда мевали ва мевасиз дарахт кўчатлари ўтказилади.

**А. ОДИЛОВ.**

### ПЛАН ОРТИҒИ БЛАН БАЖАРИЛДИ

Бекобод Хилково цемент заводининг меҳнатсевар коллективи улуғмахалқ байрами — сайлов кунини муносиб совғалар блан кутиб олди. Заводнинг февраль ойи ишлабчиқариш плани ялпи маҳсулот бўйича 114,1 процент, товар маҳсулоти бўйича 102,6 процент, клинкер тайёрлаш 111,8, цемент тайёрлаш эса 101 процент бажарилди. Сайлов шарафига пландан ташқари бирнеча юз тонна клинкер тайёрланиб, байрамга совға қилинди.

**Т. ҚУДРАТОВ.**

**Суратда:** 1. Янгийўл шаҳрининг Самарқанд кўчаси. 2. Шаҳардаги ёғ заводининг цех бригадири **Е. Сучкова** ва қуювчи **Т. Ғозиева** ўртоқлар тайёр маҳсулотни савдо тармоқларига жўнатиш олдидан кўздан кечирмоқдалар. 3. Сталин номли янги қурилган мактаб биноси. **В. Салов** фотоси.

## *Сайловчиларнинг СССР Олий Совети депутатлигига кандидатлар блан учрашувлари*

### Ереван-Сталин сайлов округи сайловчиларининг 1954 йил 11 мартдаги йиғилишида

# *ЎРТОҚ А. И. МИКОЯН НУТҚИ*

Қадрли ўртоқлар ва дўстлар, сайловчи ўртоқлар!

Сизларнинг Коммунистик партиянинг а'зоси ва партия Марказий Комитетининг а'зоси бўлган менга кўрсатган юксак ишончингиз учун сизларга ташаккур изҳор қилишга рухсат этгайсиз ва мен илгаригидек бундан кейин ҳам бутун кучимни сайловчиларнинг ва партиямизнинг менга кўрсатган ишончини оқлаш учун сарф қиламан деб сизларни ишонтириб ўтишимга рухсат этгайсиз. Мен ўзимнинг бутун куч-қувватимни коммунизм қуришдан иборат буюк программани амалга ошириш ишига сарф қиламан. (Қарсаклар).

Совет ҳукумати совет халқининг ва барча халқларнинг ҳаётий манфаатларига мос бўлган тинчлик сиёсатини изчиллик блан амалга оширмоқда. Коммунизм қураётган халқимиз тинчликни сақлашдан ва барча мамлакатлар блан дўстона муносабатларда бўлишдан асосийдил манфаатдордир.

Ўзаро келишиб қарорлар чиқаришга эришиш учун музокаралар олиб бориш методи халқаро муносабатларда бирдан-бир мақбул методдир.

АҚШ (Америка Қўшма Штатлари) улуғ Хитойни менсимасликка ва унинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги қонуний ҳуқуқларини бузишга уринаётганлиги ма'лум.

Шу муносабат блан, тарихнинг ба'зи сабоқларини ба'зи бировларга эслатиб ўтиш зарур.

АҚШ ҳукумати революцияга душман бўлганлиги сабабли, 15 йилдан ортиқ вақт мобайнида Совет Иттифоқини танимай келди. АҚШ ҳукмдорлари агар Совет Иттифоқи йўқ деб ундан кўз юмсак, у ҳолда Совет ҳокимияти йўқолади, деб ўйлаган эдилар. Улар ўнбеш йил кутдилар, шундан кейин, Совет Иттифоқи америка капиталистлари танимасалар ҳам, ўсиб гигант кучга айланганлигини кўрдилар.

Эндиликда АҚШ катталар учун аҳмақона бир нарса бўлган ана шу болалар ўйини — «кўз боғлаш ўйини»ни қарийб беш йилдан буён Хитой Халқ Республикаси каби буюк давлатга нисбатан ишлатмоқда. «Кўз боғлаш ўйини»ни ўйнаётган — дун'ёга ҳоким бўлишни да'во этаётган бу кишиларнинг ниятлари яна барбод этилажаги равшандир.

Бутун дун'ёда тинчлик иши мустаҳкамланаётганлигига, ҳозирги замонда урушга йўл очиш унча осон бир иш эмаслигига ишонч тобора ўсмоқда. Атом қуроли соҳасида Америка Қўшма Штатлари монополиясининг тугатилганлиги янги уруш чиқазучиларни ҳушига келтириб қўймоқда ва тинчлик ишига ёрдам бермоқда. Аммо биз ҳуш'ёр бўлишимиз, уруш хавфи олдида мамлакатимизнинг мудофаа қувватини мустаҳкамлашимиз керак, чунки уруш оловини ёқучилар зўр бериб қуролланишни ва янги агрессиялар тайёргарлигини давом этдирмоқдалар.

Зўр бериб қуролланиш ўрнига тинч ишлабчиқаришни тараққий этдириш ва аҳолининг турмуш даражасини ошириш учун икки система — социалистик система блан капиталистик система ўртасида мусобақа бошлаш нима учун мумкин эмас. Биз бундай мусобака бошлашга тайёрмиз. Биз, капиталистик мамлакатларнинг ба'зилари айрим маҳсулотларни аҳоли жон бошига тўғри келиши жиҳатидан ба'зан биздагидан кўра кўпроқ ва анча сифатлироқ қилиб чиқарётганларини биламиз. Бунга сабаб шуки, мазкур мамлакатлар саноат тараққиёти йўлига анча илгари ўтган эдилар ва урушлар натижасида биз кўрган оғир талафотларни кўрмаган эдилар. Совет Иттифоқи тараққиётининг сур'атлари жиҳатидан ҳам, техника тараққиёти даражаси жиҳатидан ҳам ўз иқтисодий системасининг устунлигини исбот қилди.

Эндиликда эришилган муваффақиятлар асосида биз, халқ исте'моли моллари ишлаб чиқаришни халқ фаровонлигини янгидан кескин суратда ривожлантиришни та'минлай оладиган даражада кенгайтириш вазифасини ҳал этишга киришдик. Биз ана шу фаровонлик сари бундан кейин ҳам шаҳдам қадамлар блан олга борамиз. (Қарсаклар).

Капитализм лагеридаги аҳвол беқарорликнинг ўсиши ва эниддиятларнинг кескинлашуви блан характерланади. Буржуа дун'ёсининг иқтисодий аҳволи ана шу асосда ёмонлашмоқда.

1953 йилнинг иккинчи ярмида АҚШда ишлабчиқариш пасаябошлади. Бу эса, ортиқча ишлабчиқаришнинг навбатдаги кризиси бошланишидан далолат берса керак. 1953 йил август ойидан бошлаб саноат ишлабчиқариши даражаси 10 процент камайди, товар запаслари ғайритабиий суратда катта миқдорларга етди, иш блан та'минлаш пасайиб бормоқда ва ишсизлик авж олмоқда.

Капитализмнинг фаросатсиз ҳимоячиларидан ба'зилари АҚШда ёки бошқа мамлакатларда иқтисодий вайронлик рўй берганида, совет кишилари гўё қувонадилар, деган уйдирмаларни ўйлаб чиқармоқдалар. Кризислар бирор кишининг хурсандчилиги ёки қайғуси орқасида келиб чиқмайди, кризислар ҳукмдорларнинг ҳам хоҳишига боғлиқ эмас. Капитализмнинг вақт-вақт бўлиб турадиган иқтисодий кризислари об'ектив иқтисодий қонунларнинг маҳсулидир. Капитализм мамлакатларидаги кризис кўпмиллионли меҳнаткашларни, синфдош қардошларимизни янги машаққат ва азоб-уқубатларга дучор қилар экан, совет кишилари бу кризисдан қандай қувонишлари мумкин?

Халқ демократияси мамлакатлари иқтисодий юксалиш ва халқ оммасининг фаровонлигини ошириш йўлидан оғишмай олга бормоқдалар.

Халқ демократияси мамлакатларининг муваффақиятларини бошқа мамлакатлардаги аҳвол блан таққослаб кўриш ҳокимиятнинг халқ қўлига ўтиши тараққиётнинг қандай буюк имкониятларини очиб беражагини кўрсатади.

Болгария блан Грециянинг тараққиётини бир-бири блан солиштирганда, жуда катта фарқ кўрилади. Бу мамлакатлар бир-бирлари блан қўшни бўлиб, уларнинг территорияси ва аҳолиси тахминан бирхилдир. Болгарияда 1953 йилда саноат ишлабчиқариши 1939 йилдагига нисбатан 350 процент кўпайди, ҳолбуки, Грециядa саноат ишлабчиқариши атиги 30 процент ортди. Болгарияда урушдан илгари электр қувватининг аҳоли жон бошига тўғри келадиган миқдори Грециядагига нисбатан кам эди, энди бўлса Грециядагидан икки марта ортди. Болгарияда машинасозликнинг кўп тармоқлари ривожланмоқда ва маҳсулот ишлаб чиқариш кўп марта ортмоқда, ҳолбуки Грецияда урушдан илгари ҳам оз тараққий этган машинасозлик эндиликда ўз ишлабчиқаришини урушдан аввалдаги миқдорнинг ярмига камайтирди.

Болгарияда тўқимачилик саноатининг маҳсулоти урушдан аввалдагига нисбатан 220 процент, Грециядa эса, атиги 30 процент кўпайди. Болгариянинг қишлоқ хўжалиги мамлакатнинг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондирмоқда, Греция эса, зарур бўлган ғалланинг камида 30 процентини четдан келтиришга мажбур бўлмоқда.

Греция ва Болгариянинг талайгина миқдорда тамаки тайёрлаб, бошқа мамлакатларга чиқараётганлиги ма'лум. Болгария иккинчи жаҳон урушидан илгари Грециядa нисбатан икки марта кам тамаки тайёрлар эди, энди бўлса, тамаки тайёрлашда Грециядa етиб олди.

Болгариянинг шаҳар ва қишлоқларида яшовчи бутун аҳоли иш блан та'миналган ва халқнинг турмуш даражаси ўсиб бораётган бир пайтда, Грециядa ишчилар синфининг салкам учдан бир қисми ишсиздир, қишлоқда эса, аҳолининг салкам 40 проценти ишсиздир ва меҳнаткашларнинг турмуш даражаси жуда пасайиб кетди.

Икки мамлакат тараққиётидаги эниддият маданий қурилиш соҳасида ҳам яққол кўринмоқда. Урушдан илгари Грециядаги каби Болгарияда ҳам саводсизлар аҳолининг 40 процентини ташкил этар эди. Эндиликда Болгарияда саводсизлик асосан тугатилди, Грециядa эса, аҳвол ўзгармай қолди.

Болгария урушдан илгари медицина хизмати соҳасида Грециядан кейинда қолган эди. Ўша вақтларда Болгарияда 10 минг кишига касалхоналарда 12 ўрин, Грециядa эса, 23 ўрин тўғри келар эди. Халқ ҳокимияти йилларида Болгария бу соҳада ҳам олға қараб катта қадам қўйди ва ҳозирги вақтда 10 минг кишига касалхоналарда 43 ўрин тўғри келади, ҳолбуки Грециядa аҳвол эскича ўзгармай қолди.

Бу фактлар ўз тақдирини ўз қўлига олган халқларнинг танлаб олган ижтимоий тараққиёт йўли афзал эканлигини шубҳасиз исбот этади.

Ўтган йили дўстона халқ демократияси мамлакатлари блан товар обороти янада кенгайибгина қолмай, балки капиталистик мамлакатлар блан савдо-сотиқни жиддий суратда жонлантириш йўлида ҳам бурилиш юз берди.

Шу муносабат блан, Черчилльнинг шу йил 25 февральда умум палатасида Ғарб блан Шарқ ўртасидаги савдо-сотиқ тўғрисида қилган баёноти э'тиборга сазовордир. Бош министр бу баёнотида, жумладан, қуйидагиларни айтди: «Тобора кенг миқ'ёсда товар айирбошлаш ва бирбирларига хизмат кўрсатиш фақат фойда келтириши мумкин» ва сўнгра. «Дун'ё икки буюк лагерьга бўлинган. Ана шу икки буюк лагерь соғлом, самарали коммерсия фаолияти асосида алоқа боғлайдиган бўлса, савдонинг соф ҳарбий мўлжаллардан устунлиги шуқадар кучли бўлади».

Капиталистик доираларда Ғарб блан Шарқ ўртасидаги савдо-сотиқнинг чеклашнига қарши ҳаракат кенгайиб бормоқда. Савдо-сотиқ соҳасидаги ғов Англиядагина ўпирилиб қолмай, Американинг ўзида ҳам шундай қистов масала бўлиб қолдики, раҳбар доираларнинг орасида Совет Иттифоқи блан бундан буён савдо-сотиқ қилмаслик оқилона ишми, деган масала устида мунозара олиб борилмоқда ва СССР блан савдо-сотиқ қилиш имкониятини турли воситалар орқали билиб олишга киришилмоқда.

Ўртоқлар, саноатимизнинг, айниқса оғир саноатимизнинг буюк муваффақиятлари халқ исте'моли моллари ишлаб чиқаришни кескин суратда ривожлантириш ва аҳолини бу моллар блан тўла-тўкис та'миналш тўғрисидаги масалани қўйиш учун зарур шарт-шароитни вужудга келтирди.

Шаҳарларимизда 1926 йилда 26 миллион киши яшаган бўлса, эндиликда шаҳарларнинг аҳолиси 80 миллион кишини ташкил этади. Ишчилар реал ишҳақининг ортганлиги, қишлоқ аҳолиси турмуш даражасининг кўтарилганлиги, нархларнинг системали суратда камайтирилаётганлиги — буларнинг ҳаммаси аҳолининг халқ исте'моли молларига бўлган талабининг ба'зи молларни, масалан, гўшт ва мол ёғи каби маҳсулотларни ишлаб чиқариш сур'атидан анча тезроқ ўсишига имконият туғдирди. Шунинг учун ҳам ба'зи кишиларга моллар ҳатто, бундан бирнеча йил илгаридагига нисбатан камайиб қолгандек кўринади.

Дарҳақиқат, товар фондлари тез ўсиб бормоқда. Масалан, 1953 йилда бозор фондлари 1950 йилдагига нисбатан тўшт маҳсулотлари бўйича 73,4 процент, балиқ маҳсулотлари бўйича 22,9 процент, мол ёғи бўйича 57 процент, ўсимлик мойи бўйича 76,1 процент, қанд бўйича 93,6 процент, кийим-кечак бўйича 55,1 процент, трикотаж бўйича 91,5 процент, ип-газлама бўйича 34,6 процент, жун газлама бўйича 24,9 процент, шойи газлама бўйича 168,9 процент, тикув машиналари бўйича 94,8 процент, велосипедлар бўйича 178,3 процент, қўл соатлари бўйича 196 процент, радиоприёмник ва телевизорлар бўйича 71,9 процент ортди.

Бу йил гўшт сотиш 1950 йилдагига нисбатан икки мартадан зиёд ортади. Лекин шунга қарамай, бирқанча жойларда гўшт етишмаётир. Мол ёғи масаласида ҳам аҳвол шундай.

Молларни ҳаммага етарли қилиб кўрсатиш учун оддий бир усул бор — бу усул нархларни бундан кейин камайтирмаслик, я'ни капиталистик мамлакатларда қилинаётганидек аҳолининг харид қобилияти ўсишини тўхтатиб қўйиш усулидир. Бундай қилганда одамларга товарлар етарли бўлиб кўринади, ҳатто товарлар ортиқча бўлиб кетганга ўхшайди. Аммо бундай қилиш совет сиёсатига ва аҳолининг туб манфаатларига тамомила зиддир. Биз бундан кейин ҳам нархларни тобора камайтириш сиёсатини амалга оширамиз. Товарлар етишмаслигидан қутилиш учун бизда фақат биргина тўғри йўл бор — бу йўл халқ исте'моли моллари ишлаб чиқаришни тез сур'атлар блан ривожлантириш йўлидир. Коммунистик партия шу йўлни танлаб олган. (Қарсаклар).

Халқ исте'моли молларига бўлган катта талаб меҳнаткашлар харид қувватининг ошганлигини ва уларнинг модний фаровонлиги ўсганлигини кўрсатади. Шу муносабат блан мен Владимир Ильич Ленининг оддий ва ҳаммага тушунарли бўлган сўзларини эсга олиб ўтмоқчиман: «Биз ҳартомондан янги талабларни кўрар эканмиз, биз мана бундай деймиз: бу шундай бўлиши керак, ҳарким ўз аҳволини яхшилашни истаётган экан, ҳамма турмуш фаровонлигидан баҳраманд бўлишни истаётган экан, ана шунинг ўзи социализмдир».

Ҳозирги вақтда халқ исте'моли моллари ишлаб чиқаришни кескин суратда ривожлантириш вазифаси қўйилди. Бу вазифани бажаришда қишлоқ хўжалиги ҳал қилувчи роль ўйнайди. Қишлоқ хўжалиги аҳоли учун озиқ-овқат ва исте'мол буюмлари тайёрлайдиган енгил саноат учун хомаш'ё бермоқда.

Мамлакатимизда колхоз тузумининг эришган буюк муваффақиятлари ва қишлоқ хўжалиги ҳамда унинг маҳсулдорлигининг ўсишига доир ма'лумотлар ҳаммамизга ма'лум. Аммо қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпайтириш сур'атлари саноатнинг ўсиш сур'атларидан анча суст бормоқда. Қишлоқ хўжалиги эҳтиёж ва талабларнинг ўсишидан жиддий суратда кейинда қолмоқда.

Бизнинг партиямиз ва ҳукуматимиз кейинги йил мобайнида қишлоқ хўжалигини экономикамиз талаблари даражасига кўтариш учун уни тез ривожлантириш юзасидан тегишли тадбирларнинг кенг программасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш блан жиддий шуғулланмоқдалар.

Марказий Комитет сентябрь ва февраль Пленумларининг қарорларида бутун зарур шароитлар кўзда тутилган ва чорвачилик маҳсулотлари тайёрлашни, сабзавот ва картошка етиштиришни кескин суратда ривожлантириш, дон экинларини асосан қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш ҳисобига кескин кўпайтириш, шунингдек, даставвал, чорвачиликни ем бўладиган дон экинлари блан та'минлаш мақсадида ҳосилни кўпайтириш имкониятлари кўрсатиб берилган. Бутун қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришини комплекс асосда механизациялаш кўзда тутилган. Эндиликда колхозчидан тортиб МТС ва совхоз ходимигача — қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришидаги барча звеноларда ишловчи ходимларнинг моддий манфаатдорлиги вужудга келтирилди. Қишлоқ хўжалигига совет раҳбарлиги ҳам жиддий суратда яхшиланди.

Совет Иттифоқининг тегишли районлари учун энг кўп ҳосилли асосий емхашак бўлган маккажўхори майдонларини кўпроқ кенгайтириш мўлжалланди. Маккажўхори тўғрисидаги масала муносабати блан В. И. Ленининг 1921 йилдаёқ ўртоқ Кржижановскийга юборган мактубида қуйидагиларни ёзганлиги диққатга сазовордир:

«Маккажўхори (ва фасоль)нинг устунлиги бирқанча қолларда исбот қилинди чоғи. Модомики шундай экан, зўр ғайрат блан тезроқ чора кўриш керак».

Партия ва ҳукумат маккажўхорига мамлакатда алмашлаб экишда қонуний ўрин бериш, маккажўхори экиладиган ерларни кенгайтириш ва унинг ҳосилини кўпайтиришга ҳаракат қилмоқдалар.

Совет қишлоқ хўжалигини тез ривожлантиришимизга ва мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотлари мўл-кўллиги вужудга келтириш соҳасида катта муваффақиятларни қўлга киритишимизга тўла ишонч бор.

Халқ исте'моли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва шаҳар ҳамда қишлоқ меҳнаткашларининг моддий фаровонлигини ошириш натижасида совет савдосини ривожлантиришда бурилиш ясалди. Товар оборотининг ғоят тез сур'атлар блан ўсаётганлиги шуни кўрсатади: 1953 йилда умуман аҳолига сотилган моллар 1952 йилдагига нисбатан тақ-қослаб кўрсатилган нархларда 21 процент ортди, қишлоқда эса 24 процент кўпайди, шу блан бирга йилнинг иккинчи ярмида 1952 йилнинг шу давридагига нисбатан 26 процент, қишлоқда эса 30 процент ортди.

Халқ исте'моли моллари ишлаб чиқарадиган саноат 1954 йилда ва яқин икки йил ичида товарлар ишлаб чиқаришни кескин суратда кўпайтириш ва айниқса бу молларнинг сифатини яхшилашни керак. Барча корхоналар халқ исте'моли молларини шундай сифатли қилиб чиқаришга эришишлари керакки, бу моллар совет ва четэл нусхасидаги энг яхши моллардан қолишмасин, илғор корхоналар эса, олға қараб янги қадам қўйишлари керак.

Совет савдосининг вазифаси — исте'молчиларга хизмат кўрсатишни жиддий суратда яхшилашдан, икки-уч йилдан кейин ҳарбир шаҳарда ва ҳарбир қишлоқ районида аҳолига зарур бўлган барча товарларнинг мўл-кўл бўлишига эришишдан иборат.

Бешйиллик планда 1955 йилда товар оборотининг ўсиши 1950 йилдагига нисбатан 70 процент миқдорида кўзда тутилган эди. Биз бу йил бешйиллик планда 1955 йилга мўлжалланган даражага етиб олдик. Шундай қилиб, бешйиллик планнинг товар обороти юзасидан берган топшириғи 1954 йилда тўла бажарилибгина қолмай, балки ошириб ҳам бажарилади. Бошқа сўзлар блан айтганда, бешйиллик план товар обороти бўйича тўрт йилда бажарилади. (Қарсаклар).

Савдо ташкилотлари аҳолининг эҳтиёжларини ҳали ҳам суст ўрганмоқдалар ва шу муносабат блан айрим товарларга бўлган ҳақиқий эҳтиёжни белгилашда, товарларни областьлар, ўлкалар ва республикаларга тақсимлаш ва уларга етказиб беришда хатоларга йўл қўймоқдалар. Бу хатолар конкрет суратда шундан иборат бўлдики, ба'зи районларда галош ва айрим районларда гугурт етишмай қолди. Ҳолбуки, ана шу ҳар икки товарни талаб этилган ҳарқандай миқдорда ишлаб чиқараоламиз. Бунинг устига, ўтган йилнинг биринчи ярмида савдо шохобчаларида нормада кўрсатилганидан кўпроқ галош, гугурт запаслари бор эди. Савдо ташкилотлари ўз заявкаларида 1953 йилнинг иккинчи ярмида, айниқса қишлоқларда галошга талаб кескин суратда ўсганлигини ва гугурт исте'мол қилиш анча ўсганлигини ҳисобга олмадилар ва бу ҳолни олдиндан кўрмадилар.

Масалаларни ҳал этишнинг ҳаддан ташқари марказлаштириб юборилиши, савдо ташкилотларининг ҳарбир иши устидан ортиқча васийлик қилиниши савдо-сотиқни йўлга қўйиш ишларини тезликда яхшилашга халақит бераётган сабабларнинг биридир. Бу ҳол савдо ташкилотларининг ташаббусига эрк бермайди, уларнинг эпчил ишлашига халақит беради ва ҳал этиш пайти келиб қолган масалаларни тезликда, оператив суратда ҳал этишга тўсқинлик қилади.

Савдо ишларидаги бюрократизм ва бўшангликни, шунингдек савдо-сотиқни уюштиришни яхшилаш ишидаги бюрократизм ва қолоқликни йўқотиш учун ҳарқандай ишдагидек савдо ишидаги ходимлар ўртасида ўз-ўзини танқид, шунингдек харидорларнинг танқиди жиддий қуроллдир. Ба'зи савдо ходимлари кўпинча сўзлагина танқид зарур деб жар соладилар. Аммо бу танқиднинг ўз шахсиятларига тегмаслигини истайдилар, улар одамларнинг кўз олдида кўхракларига ҳам беозоргина уриб қўядилар. Улар бу танқиднинг юмшоқроқ бўлишини, тахминан, шоир Благов айтганидек бўлишини хоҳлайдилар. Шоир Благов бундай деб ёзган эди:

«... Визга сахий Шчедринлар
Ва бизни урмайдиган
Гогольлар керак».

(Залда кулги).

Савдо маданиятини юксалтириш учун, исте'молчиларга яхши хизмат кўрсатиш учун, магазинларда, ошхоналарда, кафеларда исте'молчиларга ҳурмат ва э'тибор блан муомала қилиш учун, ҳарбир гражданнинг хизмат қилучи ходимнинг хулқидан ранжимай, балки хурсанд бўлиб магазиндан, ошхонадан чиқиб кетиши учун қон сайпин кураш олиб бориш зарур.

Халқнинг турмуш шароитини ҳартомонлама яхшилаш учун давлат ва кооператив ташкилотларининг ҳамда аҳолига хизмат кўрсатиши лозим бўлган корхоналарнинг аҳолига хилма-хил хизматини юксак даражага кўтариш зарур.

Транспортнинг ҳамма турлари — темир йўл, сув, коммунал транспортининг пухта ишлаши, пассажирларни узлуксиз ташиб туриши, поездларнинг кечикиб қолмаслиги, трамвай ва автобусларнинг графикка қаттиқ риоя қилиб юриши, темир йўл вагонларида, трамвай ва автобусларда озодалик ва осойишталик бўлиши жуда муҳимдир. Савдо ишлари-даги каби, бу тормоқларда ҳам пухталик, уюшқоқлик, маданият ва аҳолининг вақтини тежаш тўғрисида ғамхўрлик қилиш зарур. Шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашларининг газета ва журналларни ҳар куни ўз вақтида олиб туриши, хат ва телеграммаларнинг почта идораларида йўқотилмай, ўз вақтида етказиб берилиши муҳим иш эмасми?

Соғлиқни сақлаш муассасаларининг мунтазам, уюшқоқлик блан ишлаши, кишиларга ҳурмат блан маданий муносабатда бўлиши нечоғлик муҳим эканлиги ҳарбир кишига ма'лум. Амбулаторияда, поликлиникада, касалхонада бетоб кишининг медицина ходимлари томонидан меҳр-муҳаббат ва э'тибор блан кутиб олиниши ғоят муҳимдир.

Ба'зи шаҳар ва посёлкаларда коммунал хўжалигининг ҳаммом, кирхона, гостиница, сартарошлик каби, турли тикучилик, этиқдўзлик, ремонт ишхоналари ва маиший хизмат кўрсатадиган комбинатлари каби корхоналари ҳам жуда ёмон ишлаётганлигини ящириб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Ана шу маиший муассасаларнинг раҳбарларидан ба'зиларининг, ҳалқ айтганидек, кўпдаҳо хўп боплаб адабларини бериш керак эди. (Залда кулги).

Мамлакатимиз эндиликда жуда бой бўлиб қолди, саноатнинг тараққиёти жуда кўп имкониятларни очиб берди, халқнинг фаровонлиги жуда кўп талабларни илгари сурмоқда. Шу сабабдан, биз совет аҳолисига хизмат кўрсатиш блан боғлиқ бўлган барча ва ҳарқандай ишларни биринчи ўринга қўйишимиз ва бу ишларни юксак даражага кўтаришимиз мумкин ва лозим ҳамда маҳаллий совет, партия ташкилотларининг ишларига улар-нинг бу соҳада қандай муваффақиятларга эришганликларига ва ишчилар оммасини, аҳолқ активини бу курашга қандай жалб этганликларига қараб баҳо бераоламиз ва баҳо беришимиз лозим. Хизмат кўрсатишни ғоят яхшилаш учун курашни умумхалқ курашига айлантириш керак.

Уй-жойга эҳтиёж шуқадар катта ва бу эҳтиёж ҳозирги кундаги имкониятларимиздан шуқадар ўзиб кетмоқдаки, давлат органлари уй-жой қурилишини тез ва кенг миқ'ёсда олиб бораётганликларига қарамай, уй-жойлар етишмаётир. Шу сабабдан, якка уй-жой қурилишини, уй-жой қуручи кооперативларни ҳам кенг ривожлантириш зарур. Бинокорлик материаллари ва детальларни кўпроқ сотиш, шунингдек бинокорлик ташкилотлари томонидан гражданларнинг заказларига мувофиқ, гражданларга сотиш учун тайёрланган стандарт уйларни кўпроқ сотиш ва шу блан бирга, уй-жой қурилишида кредитлар бериш ҳамда аҳолининг жамғармаларини бу ишга тортиш шаҳарларни обод қилиш блан боғлиқ бўлган жуда муҳим вазифани ҳал этишни енгиллаштирган бўлар эди. Кўп гражданларнинг жамғармалари бор ва улар якка тартибда қурилган уйнинг қимматини ҳам, кооператив уйлари составидаги квартираларнинг қимматини ҳам белгиланган муддатларда тўлаш учун пул жамғароладилар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва социалистик давлат қудрати ва енгилмаслиги асосларининг асоси бўлган СССР халқлари дўстлигини мустаҳкамлашни ҳамиша ўзининг муқаддас бурчи деб ҳисоблаб келди. (Қарсаклар).

Улуғ рус халқи ана шу дўстликни метиндек мустаҳкамловчи кучдир. Улуғ рус халқи чор Россиясидаги барча халқларни Коммунистик партия раҳбарлиги остида капитализмни штурм қилишга бошлаб борди ва Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабасини та'мин этди. Шу сабабдан, рус пролетариатининг ғалабаси кўпмиллатли давлатимизда яшовчи барча миллатларга чинакам давлат мустақиллигини берди.

Партиянинг гениал ташкилотчиси Ленин ва унинг ишларининг улуғ давомчиси Сталин халқларнинг ҳуқуқий тенглиги ва дўстлигининг илҳомчиси бўлдилар ва бу ҳуқуқий тенглик ҳамда дўстликни амалга оширдилар.

Биз бундан кейин ҳам буржуа идеологиясига қарши, капитализмнинг кишилар онгидаги қолдиқларига қарши, энг яшовчан қолдиқ бўлган буржуа миллатчилигига қарши тинмай кураш олиб боришимиз керак.

Совет Иттифоқидаги барча миллат меҳнаткашлари совет ватанпарварлиги идеяларидан илҳом олмоқдалар. Улар ўз халқига муҳаббатни бошқа ҳамма халқларга муҳаббат қўйиш блан, социалистик Ватанга садоқат блан, барча меҳнаткашларнинг интернационал бирдамлиги блан маҳкам қўшиб олиб бормоқдалар. (Қарсаклар).

Сайловчи ўртоқлар! Совет халқининг энг яқин вақт ичидаги мақсад ва вазифалари Марказий Комитетнинг барча сайловчиларга қарата чиқарган Мурожаатида баён қилинган. Бу Мурожаат — Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг бундан кейин бажарадиган ишлари программасидир.

Ана шу буюк ишлар программасини бажаришнинг ҳал қилучи шарти нимадан иборат, коммунизм сари олға ҳаракат қилиб боришимизнинг ҳал қилучи шарти нимадан иборат? Асосий шарт — Совет ҳокимиятининг халқ блан чамбарчас алоқасидан, халқнинг Коммунистик партияга ишончи ва бу партия блан бирлигидан, Коммунистик партия сафларининг монолит бирлигидан иборат. (Гулдурос қарсаклар).

Дун'ёни ўзгартируви улуғ назария, Маркс — Энгельс — Ленин — Сталин назарияси нур сочиб турган йўлдан олға! (Давомли қарсаклар).

Яшасин коммунистлар блан партиясизларнинг халқ блоки! (Давомли қарсаклар).

Яшасин социалистик Ватанимиз! (Давомли қарсаклар).

Яшасин СССР халқлари ўртасидаги бузилмас дўстлик! (Давомли қарсаклар).

Яшасин Совет Иттифоқи Коммунистик партияси! (Давомли қарсаклар. Ҳамма ўрнидан туради).

# Москва метросининг катта халқаси

(Метрострой бошлиғи Сталин мукофоти лауреати Н. А. ГУБАНКОВ блан суҳбат)

Еттита темир йўл вокзалини бир-бири блан боғлайдиган йигирма километрли ерости магистрали — Москва метроси катта халқасининг учунчи участкаси қурилиб бўлди. Ерости йўли пойтахтнинг 18 райони тагидан ўтади. «Киевская — Кольцевая» ва «Краснопресненская» деган иккита янги ажойиб станциянинг эшиклари меҳмондўстлик блан очилди. Москвалилар қўшимча қулайликларга эга бўлдилар. Эндиликда пассажирлар Белорус вокзалидан Киев вокзалига бориш учун илгаридагига қараганда 3 — 4 марта камроқ вақт сарф қиладилар. Халқа линиясидаги бутун йўл 30 минутга яқин вақтни олади. Ҳатто енгил машинада ҳам Москва теварагини шунчалик тез айланиб чиқиб бўлмайди.

Метро катта халқасининг қурилиши Улуғ Ватан уруши йилларида бошланган эди. 1950 йилда бу линиянинг биринчи участкасида — Қирим майдонидан Курск вокзалигача поездлар қатнайбошлади. «М. Горький номли Марказий маданият ва истироҳат парки», «Калужская», «Серпуховская», «Павелецкая», «Таганская», «Курская — Кольцевая» деган олтита станция қурилди.

1952 йилнинг бошида метро катта халқасининг иккинчи участкаси ишга туширилди. Поездлар Қирим майдони блан Белорус вокзали ўртасида қатнайбошлади. Ерости магистрали каттакон тақага ўхшаб қолди. Унда «Комсомольская — Кольцевая», «Ботаника боғи», «Новослободская», «Белорусская — Кольцевая» станциялари пайдо бўлди.

Ҳозир метро халқа линиясининг учунчи участкасида поездлар қатнайбошлади. Халқа туташди! «Киевская — Кольцевая» ва «Краснопресненская» деган иккита сўнгги станция қурилиб бўлди. Метро қуручилар Москва река дар'ёсининг тагида икки марта тоннель қазидилар ва геология шароитининг нихоят оғир бўлишига қарамасдан, қийинчиликларни муваффақият блан енгиб чиқдилар.

Совет инженерлари ва конструкторлари халқа линиясини қурганларида тоннельсозликни ривожлантириш ишига катта ҳисса қўшдилар. Магистральдаги станцияларнинг, эскалатор тоннельларининг ва пересадка узелларини металл конструкциялари илгари қўлланилган конструкциялардан анча мукаммалроқдир. «Комсомольская — Кольцевая» ерости вокзалининг ҳажми метродаги оддий станцияларнинг ҳажмидан икки баравар каттадир. Бу ерда бешта нишаб ва пересадка тоннели бор. Уларнинг иккитасида тўрт лентали экскалаторлар ўрнатилган, ҳаракатланучи зинапояларнинг янги конструкцияси уларнинг вазнини 15 процент камайтиришга, фойдали ҳаракат коэффициентини оширишга, иш сифатларини яхшилашга имкон берди. «Новослободская» станциясини пардозлаш вақтида тоннельсозлик практикасида биринчи марта витражлар — рангбаранг шиша парчаларидан ишланган картиналар қўлланилди.

Автоматика ва телемеханика янада ривож топди ва мукаммаллаштирилди. Бу эса шаҳар транспортининг энг тез ва қулай турларидан бири бўлган метрополитеннинг аниқ ва пухта ишлашини та'минлайди.

Катта халқада жойлашган ўниккита станциянинг ҳаммаси совет меморчилигининг ажойиб асарларидир. «Комсомольская — Кольцевая», «Курская — Кольцевая», «Калужская», «Белорусская — Кольцевая» станциялари айниқса чиройлик қилиб безатилган. Бу ерости саройлари проектларининг авторлари бўлган архитекторларга Сталин мукофоти лауреати деган фахрий унвон берилди.

«Краснопресненская» станцияси ёш архитекторлари В. Егоров, М. Константинов, Ф. Новиков ва И. Покровскийларнинг проекти бўйича қурилди. Ерости вокзалидаги люстраларнинг ёрқин нурлари Грузиядан келтирилган қизил мармар блан қопланган қувватли пилонларга таянучи оппоқ гумбаз ва арқаларга тушиб туради. Пилонларда — 1905 йилда Красная Пресняда бўлган революцион воқиаларни ва Улуғ Октябрь социалистик революциясининг қаҳрамонона кунлари эпизодларини тасвирлайдиган ўнтўртта скульптура барельефлари бор. Станциядаги ўрта залнинг тўрида В. И. Ленин ва И. В. Сталиннинг ҳайкали жойлашган. Бу иншоатнинг ҳамма жойидаги архитектура формаларнинг монументаллиги ва жиддийлиги диққатни ўзига жалб этади.

«Киевская — Кольцевая» станциясини бадиий — архитектура жиҳатидан безатиш учун ўтказилган конкурсда 200 дан кўпроқ ме'мор қатнашди. Улар 70 та асар топширдилар. Киевли бир группа архитекторлар яратган проект қабул қилинди. Бу проект авторлари: Украина ССР Архитектура академиясининг ҳақиқий а'зоси Е. Катонин, архитекторлар В. Скугарев, Г. Голубев ва Украина ССР Фанлар академиясининг корреспондент-а'зоси рассом А. Мизиндир.

Станция бадиий-архитектура жиҳатидан рус ва украин халқларининг бузилмас абадий дўстлигига бағишланиб безатилган. Бу тема станциянинг ўрта залидаги пилонларда жойлашган 18 та мозаикали панно-картиналарда очиб берилади. Картиналарда шонли воқиа — Переяслав радаси тасвирланган. Полтава жангига бағишланган панно, Пушкининг Украинада турганини, Шевченконинг Петербургда Чернишевский ва Добролюбовникида турганини тасвирлайдиган картиналар яратилган. Бирқанча паннолар тарихий-революцион темага — Ленининг совет ҳокимиятини э'лон қилганига, украин халқининг советлар ҳокимияти учун олиб борган курашига бағишланган. Кўп картиналар совет халқининг Улуғ Ватан уруши йилларида фашист босқинчиларга қарши олиб борган курашини тасвирлайди. «1945 йил 9 майда Москвада Қизил майдонда ғалаба салюти» деган картина жуда ҳам чиройлик ишланган.

Метронинг катта халқасидаги ишлар тугалланди. Шонли ғалаба қўлга киритилди, ер остида, майдон ва кўчаларнинг тагида эса метро қуручиларнинг қаҳрамонона меҳнати давом этмоқда. Ерости йўлининг бешинчи навбати — метронинг Шчербаков ва Фрунзе радиуслари қурилмоқда, булар пойтахт районларини Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкаси ва Ленинские горидаги М. В. Ломоносов номли Москва давлат университети блан боғлайди. Қуручилар коммунизм қураётган халқимизнинг бахт-саодати йўлида янада гўзалроқ станция — саройлар яратиш учун бутун кучларини сарф қиладилар. (ТАСС).



Л. М. Каганович номидаги Москва метрополитени. Янги «Краснопресненская» станция перрони.
Н. Грансовский ва Л. Велижанин фото

# Партиямиз учун, Ватанимиз учун!

## ШОДИЁНА КУН

Бугун улуғ шодиёна — умумхалқ байрами.

Ҳаммамизнинг қалбимиз зўр хурсандчилик ва севинч туйғулари блан тўлиб тошмоқда. Коммунистик партиямиз раҳбарлигида коммунизм тантана қилаётган мана шу улуғ даврда яшаш, меҳнат қилиш, дунёда энг демократик Конституция — СССР Конституцияси бахш этган ҳуқуқлардан тўла баҳраманд бўлган ҳолда она-Ватанимизнинг содиқ фарзандлари учун яқдиллик блан овоз бериш нақадар улуғ бахт!

Қудратли Ватанимизда СССР Олий Советига ўтказилаётган бу сайлов мамлакатимиз ҳаётида, бахтиёр совет халқлари ҳаётида янги, улуғвор воқиалар юз бераётган бир даврда — халқимиз порлоқ истиқбол йўлидан мардона қадам ташлаб олга бораётган даврда ўтмоқда.

Биз, «Чирчиксельмаш» заводининг коллективи — ишчилари, инженер-техник ходимлари бу тарихий кунни барча совет халқлари блан бир қаторда туриб, ишлабчиқаришда янгидан-янги муваффақиятларни қўлга киритган ҳолда кутиб олдик.

Иттифоқимизнинг бепоён пахтазор водилари, сабзавот колхозлари учун мингминглаб қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқармоқдамиз. Бу машиналар азамат колхозчиларимизнинг мўл ҳосил етиштиришларида ва уларнинг оғир меҳнатларини енгиллаштиришда муҳим роль ўйнамоқда.

Заводимиз коллективи ўтган сайлов — 1950 йилдагига нисбатан 1953 йилда 25 процент кўп қишлоқ хўжалик машиналари тайёрлади. Запас қисмлар ишлаш эса, мана шу йиллар ичида икки баравар оширилди.

СССР Министрлар Совети ва КПСС Марказий Комитетининг «Ўзбекистон ССРда 1954 — 1958 йилларда пахтачиликни янада ривожлантириш тўғрисида», КПСС Марказий Комитети март Пленумининг «Мамлакатда ғалла етиштиришни янада кўпайтириш тўғрисида ҳамда қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш тўғрисида» чиқарган қароридан илҳомланган коллективимиз шу кунларда ҳарқачонгидан кўра унумлироқ меҳнат қилишга киришдилар.

Тобланадиган чўян цехининг бошлиғи ўрток Обрезковнинг воронка технологиясини такомиллаштиришда эришган муваффақияти туфайли январь-февраль ойи ичида 20 минг сўм, механик цехнинг мастери ўртоқ Ткаченконинг рационализаторлик таклифи туфайли 16 минг сўм иқтисод қилинди. Мастерлардан ўртоқ В. Туров ўз таклифи блан бир цехда ҳар ойига 6,5 тоннадан металл тежаш имкониятини яратди. Завод ишчиларининг бу ижодий ташаббуслари самарали натижалар бермоқда. Завод февраль ойи ишлабчиқариш планини муддатидан илгари 110 процент бажарди. Маҳсулотнинг сифати анча яхшиланди.

Шу ой ичида заводимиз коллективи қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш учун Қозоғистон ССРда 200 та, Новосибирск областига — 522 та, Омск областига — 800 та, Иркутск областига — 350 та «С — II» маркали универсал-тирков машиналари жўнатди. Шунингдек кўп миқдорда запас қисмлари юборилди.

Ҳозирги кунларда ҳам ўғитлаб, ҳам культивация қиладиган, янги «НКУ — 2,8» маркали, шунингдек «КРН — 2,5» маркали культиватор машиналари кўплаб ишлаб чиқарилмоқда. Яқинда ғўзаларни чеканка қиладиган янги машина ихтиро' қилинди. Буларнинг ҳаммаси деҳқонлар блан ишчилар синфининг мустаҳкам ҳамкорлигини кўрсатучи ёрқин мисолдир.

Партия ва ҳукуматимиз ишчиларимизнинг иқтисодий ва маданий ҳаётини яхшилаш учун тинмай ғамхўрлик қилмоқда. 1953 йилда икки қаватли учта ҳашаматли бино қурилиб, юздан ортиқ хўжалик янги уйларга кўчирилди. 500 кишилик ўрта мактаб қурилиб, ишга туширилди. Бу мактабда болаларимиз билим негизларини эгалламоқдалар. Завод қошида кутубхона, дам олиш муассасалари, болалар боғчаси, яслилар ишлаб турипти.

Биз бугун бахт-саодатимиз, фаровон ҳаётимиз, келажак истиқболимиз учун, тинч ҳаётимизнинг барқарорлиги учун коммунистлар блан партиясизлар блокининг кандидатларига бир жон-бир тан бўлиб овоз берамиз.

**Павел АБЛАМОВ,**
«Чирчиксельмаш» заводи партия ташкилоти секретарининг ўринбосари.

**Авил ТУРСУНБОЕВ,**
3-нчи цехнинг токари, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати.

**Хосият ГУМИРОВА,**
2-нчи цехнинг стерженьчиси.

**Раҳим ИЎЛДОШЕВ,**
2-нчи цехнинг токари.

Областимизнинг илғор саноат корхоналари СССР Олий Совети сайлови шарафига олган мажбуриятларини ортиғи блан бажардилар. Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлигига қарашли Тошкентдаги мотор-ремонт заводининг коллективи ҳам сайлов кунини янги ғалабалар блан нишонлади. **Суратда:** заводнинг сайлов шарафига олган мажбуриятларини 200 дан 350 процентгача етказиб бажарган илғор ишчилари (чапдан) **Н. Абросимова, А. Лобков, М. Умаров, Н. Петров, Т. Ясакова, Х. Нурматов, Н. Авдонкин** ўртоқлар. **В. Салов** фотосурати

## Социалистик сан'атимиз янада гуллаб-яшнайди

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати жонажон Ватанимизда яшовчи барча халқларнинг шаклан миллий, мазмунан социалистик маданиятини ривожлантириш тўғрисида катта ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. Ижодкор халқимизнинг коммунизм қуриш учун олиб бораётган курашини акс этдируччи гоявий юксак, бадиий жиҳатдан етук спектакльлар, бадиий асарлар яратилмоқда.

Ўзбек сан'аткорлари, шу жумладан Тошкент театрларининг коллективлари халқимиз учун муносиб спектакльлар яратиш устида ижодий ғайрат блан иш олиб бормоқдалар. Машҳур рус совет сан'аткорларининг тажрибалари ва катта ижодий ёрдамлари блан ўз бадиий маҳоратларини тобора ошириб бормоқдалар.

Ҳамза номли Ўзбек Давлат академик драма театри саҳнасида рус ва жаҳон классик драматургиясининг, шунингдек машҳур совет драматургларининг энг яхши асарлари саҳнага қўйилмоқда. М. Горький, В. Шекспир, К. Тренев, В. Вишневскийларнинг йирик асарларининг Ҳамза номли театр саҳнасида кўрсатилган постановкаларини тамошабинлар зўр қувонч блан кўрмоқдалар. Театр коллективи ўзининг ижодий ва бадиий маҳоратини тобора ошириб, янги-янги спектакльларни тамошабинларга тақдим этиш устида ғайрат блан иш олиб бормоқда.

Биз театр сан'ати ходимлари ҳам бутун халқимиз блан биргаликда СССР Олий Советига сайлов кунида коммунистлар блан партиясизлар халқ блокининг кандидатлари учун овоз берар эканмиз, энг аввал шонли партиямизнинг, жонажон ҳукуматимизнинг ғамхўрлигидан миннатдорлигимизни изҳор қиламиз. Биз сан'атимизнинг янада гуллаб-яшнаши учун катта имкониятлар яратилишини яхши биламиз ва шунинг учун ҳам Коммунистик партияга, Совет ҳукуматига бўлган чексиз муҳаббат ва садоқатимизни ифода этиб, коммунистлар блан партиясизлар халқ блокининг кандидатлари учун яқдиллик блан овоз берамиз.

**Олим ХУЖАЕВ.**
Ўзбекистон ССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати.

## Қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш учун овоз берамиз

Бугун бутун совет халқи СССР Олий Советига депутатлар сайлайди. Сайлов қутилари ёнига бораётган совет кишиларининг қалби Коммунистик партияга, Совет ҳукуматига нисбатан чексиз миннатдорлик ҳисси блан тўлиб тошгандир. Чунки, Коммунистик партия ва жонажон Совет ҳукуматимиз севикли Ватанимизнинг қудратини тобора мустаҳкамлаб, совет кишиларининг ҳаётини янада фаровон этиш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилмоқдалар.

СССР Олий Советига ўтган сайловдан буён тўрт йил мобайнида коммунистик жамият қуриш учун курашаётган совет халқи партиямиз раҳбарлигида жуда катта ғалабаларга эришди. Буни ўз колхозимиз, ўз қишлоғимиз, ўз колхозчиларимиз ҳаётида яққол кўриб турибмиз.

Колхозимиз тузилган вақтда биз атиги 225 гектар ерга пахта экиб, ҳар гектардан кўп деганда 5 — 6 центнердан ҳосил йиғиб олар эдик. Партия ва ҳукуматимизнинг колхоз тузумини мустаҳкамлаш, пахтачиликни ривожлантириш тўғрисида моддий-техника жиҳатдан жуда катта ёрдам бераётганликлари туфайли колхозимизда пахта майдони йилдан-йилга кенгайиб, пахта ҳосили тобора ошиб бормоқда.

Бу йилги сайловни биз жуда катта муваффақиятлар блан кутиб олмоқдамиз. 1953 йилда колхозимиз 1 минг 313 гектар ерга пахта экиб, давлатга 5 минг тоннага яқин пахта топширди. Бизнинг давлатга топширган пахтамиздан 18 миллион метр газлама тўқиш мумкин. Топширган пахтамиздан ажратиладиган чигитдан 500 минг килограмм мой, 1 миллион килограмм кунжара ва 1,5 миллион килограмм чиқит тайёрланади.

Колхозимизнинг хўжалиги комплекс равишда ривожланмоқда. Ўтган йил бизда давлатга 900 центнер ғалла, 5 тоннага яқин ғилла, 223 центнер гўшт, 35 минг литрдан ортиқ сут, 12 минг дона тухум, 2 минг 158 дона тери, кўп миқдорда жун, сабзавот, картошка, шоли ва бошқа маҳсулотлар топширдик.

Колхоз хўжалигининг ҳартомонлама ривожланаётганлиги туфайли даромадимиз йилдан-йил кўпаймоқда. Ўтган йилги умумий даромадимиз 20 миллион 50 минг сўм бўлди. Колхозчиларнинг ҳар бир меҳнат кунига 19 сўм 10 тийиндан пул ва 3,2 килограммдан ғалла тақсимланди.

Бизнинг мамлакатимизда меҳнат шонпараф ишига айланганлигини қуйидаги мисолларда яққол кўриш мумкин. Пахтадан мўл ҳосил етиштиришда донг чиқарган ўнларча колхозчиларимиз Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонини олганлар, юзларча колхозчиларимиз орден ва медальлар блан мукофотланганлар.

Шўралисой воҳаси чорак аср илгари қамишзор ва ботқоқлик ерлардан иборат эди. Ҳозир бу ерда бизнинг социалистик қишлоғимиз гуллаб-яшнаб турипти. Юзларча хўжалик янги стандарт уйларда яшамоқдалар. Қишлоғимиз радиолаштирилган ва электрлаштирилган.

Бизнинг қишлоқ территориясида 5 мактаб, касалхона, туғруқхона, 3 амбулатория, бирқанча болалар яслилари, тўртта қишлик ва учта ёзлик клуб, кутубхоналар бор. Қишлоқни янада обод қилиш учун биз генерал план тузганмиз. Генерал планга мувофиқ икки миллион сўм сарф қилиб Маданият саройи қурамиз, қишлоққа водопровод ўтказамиз, ҳамма хўжаликларни янги стандарт уйларга кўчириб чиқамиз.

СССР Министрлар Совети ва КПСС Марказий Комитетининг «Ўзбекистон ССРда 1954—1958 йилларда пахтачиликни янада ривожлантириш тўғрисида»ги тарихий қарори ва КПСС Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган пленумининг «Мамлакатда ғалла етиштиришни янада кўпайтириш тўғрисида ҳамда қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш тўғрисидаги»ги қарори бугун мамлакатда социалистик қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришнинг буюк программасидир. Бу қарор бизнинг ижодий ғайратимизни янада ошириб, пахтачилик ва бошқа экинлардан мўл ҳосил етиштириш учун курашга илҳомлантирди. Биз бу йил 150 гектар қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириб, турли экинлар экамиз, шунинг блан бирга пахта майдонини 1 минг 350 гектарга етказамиз.

Бизнинг колхоз а'золари бу йил давлатга ҳар гектар пахта майдонидан 40 центнердан ҳосил топширишни учун курашмоқдалар. Биз ўз зиммамизга олган мажбуриятни шон-шараф блан бажариш учун, ҳаётимизнинг янада фаровон бўлиши учун бутун кучимизни сафарбар қиламиз.

Биз бугун сайлов қутилари ёнига бориб Коммунистик партиямиз учун, жонажон Совет ҳукуматимиз учун, социалистик Ватанимизнинг қудратини янада мустаҳкамлаш, колхоз тузумининг равнақи учун яқдиллик блан овоз берамиз.

**Ҳамроқул ТУРСУНҚУЛОВ,**
Октябрь районидаги Каганович номли колхознинг раиси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

**Жавҳар СОАТАЛИЕВА,**
8-нчи бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

**Мирсулаймон ЕҚУБОВ,**
Ҳосилот советининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

## ХАЛҚ ДЕПУТАТИГА ОВОЗ БЕРАМИЗ

Азиз умримизнинг ҳар минутида,
Ҳар куни янгилик, янги хушхабар.
Забардаст, серқуёш совет юртида
Ҳар нарсадан инсон азиз, му'табар.

Минг йиллар азобда умр ўтказган,
Бахт дарвозасини излаганлар бор.
Октябрь бизларни мангу қутқазган
Боғимиз чаманзор, фаслимиз баҳор.

Шонларга тўлиқдир отган тонгимиз,
Эртамиз севимли, гўзалроқ яна.
Меҳру муҳаббатга тўлиқ қалбимиз,
Яна ўлкамизда шодлик, тантана.

Бизларда ҳукмрон ҳаққоний қонун,
Сайлаш-сайланишда ҳақли ўзимиз.
Бахтиюмизда бор дун'ёча мазмун
Келажакка кундай қарор қўзимиз.

Депутат бўлажак Олий Советга
Жонажон партияга содиқ кишимиз.
Қувноқмиз, бахтиёр Совет даврида
Даштларни чаманзор қилган ишимиз.

Бахт таронасини куйлар созимиз,
Меҳримиз чексиздир она-Ватанга.
Шунинг-чун юракдан овоз берамиз
Ўзимиз сайлаган содиқ фарзандга.

**М. МУҲАММАДҚУЛОВ.**

## СОВЕТ ФАНИНИНГ РАВНАҚИ УЧУН

Биз, тараққиётнинг ҳамма йўллари коммунизмга олиб бораётган бир даврда яшаётганимиз блан ҳақли равишда фахрланамиз. Совет халқи шонли Коммунистик партиямизнинг доно раҳбарлиги туфайли хўжалик ва маданий тараққиётнинг ҳамма соҳаларида жуда катта муваффақиятларга эришди.

Биз совет олимлари фан блан ишлабчиқариш ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаб ва уни меҳнаткашларнинг фаровонлигини оширишга хизмат қилдириб, бу соҳада янгидан-янги муваффақиятларга эришмоқдамиз. Аммо уруш оловини ёқучи империалистлар фаннинг сўнгги ютуқларидан уруш мақсадлари учун фойдаланмоқдалар, улар одамларни кўплаб қирадиган қуралларни ишлаб чиқармоқдалар, ўз ҳукмронликларини сақлаб қолиш учун меҳнаткашларни асоратга солмоқдалар ва уларни ҳуқуқсизликка маҳкум этмоқдалар. Фақат бизнинг мамлакатимиздагина совет фани тинч ижодий меҳнат учун, меҳнаткашларнинг фаровонлиги учун хизмат қилаётир.

Ленинча-сталинча миллий сиёсатнинг оғишмай амалга оширилиши натижасида барча совет халқлари каби ўзбек халқи ҳам тараққиёт йўлидан илгарилаб бормоқда. Ўтмишда чор Россиясининг мустамлакаси ва ҳуқуқсиз қолоқ ўлка бўлиб келган Ўзбекистон эндиликда ўзининг ривожланган индустриясига, илғор техника блан мукаммал қуролланган қишлоқ хўжалигига эгадир. Республикамизда шаклан миллий, мазмунан социалистик маданият барқ уриб яшамоқда. Партия, ҳукуматимизнинг совет халқи миллий маданиятини ривожлантириш тўғрисида қилаётган доимий ғамхўрликлари туфайли ўзбек халқининг фарзандлари ичидан ўнлаб фан докторлари ва юзлаб фан кандидатлари етишиб чиқди. Улар ҳозирги вақтда хўжалик ва маданий қурилишнинг турли соҳаларида муваффақият блан ишламоқдалар. Ўзбек халқи ўзига бахт-соадтли ҳаёт яратиб бергани, социалистик тараққиёт йўлига олиб чиққани учун Коммунистик партиядан чексиз миннатдордир.

Партия XIX с'езднинг директиваларида ва КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарорларида қишлоқ хўжалигини, шу жумладан пахтачиликни ривожлантиришнинг улуғвор программаси чизиб берилди. Бу соҳада совет фани ва совет олимлари олдига ғоят мас'улиятли вазифалар қўйилди. Биз бу вазифаларни муваффақиятли бажариш учун ўзимизнинг бутун билимимиз, ижодий кучимизни сафарбар қиламиз.

Бугун совет халқлари қардошлик оиласидаги барча миллат меҳнаткашлари зўр қувонч блан сайлов участкаларига борадилар ва совет Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши учун, халқлар ўртасидаги бузилмас дўстлик ва ҳамкорликнинг янада мустаҳкамланиши учун, мамлакатимизда коммунизм тантанаси учун бир жон-бир тан бўлиб овоз берадилар.

Биз олимлар бу қувончли кунни совет фанини ривожлантириш соҳасида янги муваффақиятларга эришиш блан кутиб оламиз. Биз бугун коммунистлар блан партиясизлар халқ блокининг кандидатлари учун, совет фанининг янада гуллаб-яшнаши учун яқдиллик блан овоз берамиз.

**Н. М. МИРОШХИНА,**
Профессор.

**О. СОДИҚОВ,**
Химия фанлари доктори, профессор.

**А. АЛИЕВА,**
Қишлоқ хўжалик фанлари кандидати.

## КАТТА БАХТ

14 март менинг шахсий ҳаётимда унутилмас қувончли кун бўлиб қолади. Чунки мен ҳам кўп миллионли совет ёшлари қатори СССР Олий Советига депутатлар сайлаш учун биринчи марта овоз бераман. Бу чинакам катта бахтдир. Октябрь революциясидан олдин менинг бувиларим қаҳқандай инсонлик ҳуқуқидан маҳрум этилган, хўрланган эканлар, ҳатто уларни буюм каби сотишгача бориб етган эканлар.

Сайлов қутисига бюллетень ташлар эканман, Совет ҳокимияти даврида чинакам озодликка эришган ўзбек хотин-қизларининг бахтиёрлиги ва қувончни намойиш қилучилардан бири бўламан.

Мен 14 ёшимда Тошкент тикучилар ҳунар мактабига кирган эдим. Ҳозир бу ерда а'ло ўқиб, яхши ишлаётганман. Яқинда мактабни тамомлаб ишга борсам ва у ерда халқимизнинг яхши кийим-кечакларга кундан-кун ўсиб бораётган талабини қондириш учун астойдил хизмат қиламан. Мен халқ фаровонлигини тинмай ошириш, жаҳонда тинчлик ўрнатиш йўлида курашаётган шонли партиямиз ва жонажон ҳукуматимизнинг доно сиёсати учун овоз бераман.

Бугун шунинг учун ҳам унутилмас севинчли кун бўладики, биз бахтиёр совет ёшлари СССР Конституциясига олтин ҳарфлар блан ёзилган улуғ ҳуқуқларимиз асосида халқимизнинг энг яхши ўғил-қизларини сайлаймиз.

**Зумрад ШАРАФУДДИНОВА,**
Тошкент тикучилар ҳунар мактаби 4-нчи курсининг ўқучиси.

## МЕНИНГ ҚУВОНЧИМ

Мен Улуғ Октябрь социалистик революциясидан илгари қуллик занжирига боғланган миллионларча хотин-қизларнинг бири эдим. Улуғ Октябрь революцияси туфайли мен ҳам миллионларча хотин-қизлар қаторида бахтли ҳаётга эришдим.

Ҳукуматимиз менинг кўп болали она эканлигимни назарга олиб 6 хонали катта иморат қуриб берди. Уйларнинг ҳаммаси ажойиб безаклар блан нақшланган. Уй ипак гиламлар, радиоприёмник, шкаф, шифонерлар блан жиҳозланган. Хоналар Ильич чироқлари нурида порлайди. Илгари бундай уйларда яшаш менинг хаёлимга ҳам келмаган эди.

... Мен бугун жонажон Коммунистик партия ва меҳрибон ҳукуматимиз учун, бахтли ҳаёт учун, коммунизм учун, севикли Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши учун, ҳормай-толмай меҳнат қилаётган халқимизнинг асл фарзандлари учун овоз бераман.

...1949 йилнинг ёз кунларидан бири эди. Ҳовлида мевалар шиғил пишган пайт. Ён-теримиздаги қўни-қўшнилар блан гурунглашиб ўтирган эдик, ўртанча қизим Ўктамхон ҳовлиқканча югуриб келдида, бўйнимдан қучоқлаб:

— Ойижон, сизнинг ўн болалик эканлигингизни назарга олиб, СССР Олий Советининг Президиуми «Қаҳрамон она»ни орден блан мукофотлаш ҳақида фармон чиқарипти. Мана, бу хат, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумидан. Эртага уерга борар экансиз, — деди.

Эртаси кечқурун кўкрагимга олтин юлдузни тақиб келдим.

Ҳозир менинг ўнбитта болам бор. Шу болаларимнинг бахтли ҳаёт кечириши, совлом бўлиши учун ҳукуматимиз менга 40 минг сўмдан кўпроқ пул берди. Ҳозир, энг катта ўғлим Қосимжон Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг IV курсида ўқимоқда. Ўғлим Раҳимжон Совет Армияси сафида хизмат қилмоқда. Қизларим: Жўрахон Педагогика техникумини, Ўктамхон — физкультура техникумини битириш олдида турипти. Ўғлларим: Эргашжон VIII синфда, Йўлдош III синфда, Эркинжон 1 синфда, қизларим: Қундузхон VII, Озодахон II синфда ўқиймоқда. Кичик ўғлим Ғайратжон ва қизчам Юлдузхонлар боғчада тарбияланмоқдалар. Биз ойламиз блан меҳрибон партия ва ҳукуматимиздан бехад миннатдормиз.

**Мадина АҲМАДЖОНОВА,**
Қаҳрамон она.

## ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА

Эски Хадра — ҳозирги Комсомол майдонининг шарқ-шимоли томонида тўрт қаватлик кўркам бинода Тоғ техникумининг студентлари истиқомат қиладилар. 600 кишилик янги бинода ер ости бойликларининг бўлажак ёш мутахассислари учун ҳамма қулай шароитлар яратилган.

Бинонинг пастки-биринчи қаватида электр чироқлари тун бўйи порлаб туради. Катта деразали кенг хоналарда дурадгорлар, электр монтёрлар ва бошқа қурулиш ходимлари дам олмай, бир-бировлари блан мусобақа боғлаб жуда қизғин ва тезкорлик блан ишламоқдалар. Кейинги кунларда чиндан ҳам бу ерда иш жадаллашиб кетди. Бу бечиз эмас эди...

Бугун — 14 март — СССР Олий Советига сайлов куни. Бугун ҳамма сайлов қутилари ёнига бориб, коммунистик блан партиясизлар халқ блокининг кандидатлари учун овоз берадилар. Сайловчилар мамлакатимиз олий органига ўзларининг энг ақл фарзандларини депутат қилиб сайлайдилар. Улар Ватан учун, партия учун, бахтли-фаровон ҳаёт учун овоз берадилар.

Фаровонлик — ҳаёт зийнати, юрт кўрки бўлиб қолди. Ҳар шаҳар, ҳар маҳалла ва ҳар қадамда янгилик, юксалиш кўзга ташланади. Сайловчилар — мамлакатимиз гражданлари ана шу юксалиш ва фаровонлик учун партия ва ҳукуматимизга самимий миннатдорчилик билдириб, ўзларининг Ватанимиз қуч-қудратини янада ошириш учун ҳамишa тайёр эканликларини билдирмоқдалар. Улуғ Ватанимизнинг ҳарбир граждани сайлов кунини ўз меҳнати, жамоат ишида эришган янги зафарлари, янги совғалари блан кутиб олмоқда.

Тоғ техникуми биносининг пастки қаватида ишлаётган усталар ҳам сайлов кунига катта совға тайёрладилар. Бу ерда янги ошхона ва озиқ-овқат магазини очилди. Пойтахт меҳнаткашлари учун маданий-маиший хизматнинг янги базаси вужудга келтирилди. Кўркам, гўзал Навоий ва Ҳамза кўчаларининг туташ ерида янги муассаса ишга туширилди. Бу улуғ айём кунида меҳнаткашлар учун муносиб совғадир.

Сайловчилар кенг, асфальт ётқизилган магистральдан тезлаб бораётган трамвай, троллейбус ва турли маркали машиналарда ўлтириб, Навоий кўчасининг янги манзарасини севиниб тамоша қиладилар. Республика пойтахти—Тошкентнинг қиёфаси тез сур'атлар блан ўзгариб бормоқда. Шаҳарнинг энг узоқ чекка жойларига ҳам борсангиз, у ерларда ҳам бутунлай янги бир гўзал манзаранн тамоша қиласиз. Қисқа муддатда бу қадар янги кўчалар, янги уйлар пайдо бўлганлигини кўриб беҳад севинасиз.

СССР Олий Советига бўлиб ўтган илгариги — 1950 йилги сайловдан буён шаҳарнинг Навоий кўчасида ҳам катта ўзгаришлар бўлди. Архитектура жиҳатидан кўркам ишланган, кўп қаватли янги бинолар қад кўтарди. Кўча ва унинг атрофи янгича ҳусн, янги ҳаёт блан барқ уриб яшай бошлади.

Сўнгги 4 йил мобайнида Навоий кўчасида Ўрда — Анҳор кўпригидан бошлаб Хадра — Комсомол майдонига боргунча кўчанинг ҳар икки томонида янги бинолар қурилиб, турли муассасалар ва ётоқхоналар ишга туширилди. Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министрлиги, «Средазмаслострой», Ўрта Осиё Давлат университети илмий ходимларининг биноси, Тоғ техникуми студентларининг ётоқхонаси, 4 та тўрт қаватли, кўп хонали ишчи-хизматчилар квартиралари биноси ва бошқа янги иморатлар қад кўтарди. Буларнинг ҳаммаси кейнги тўрт йил ичида бунёдга келган ва шаҳримизнинг фақат бир кўчасида қурилган муаззам бинолардир. Бундай қурилишлар шаҳарнинг ҳамма районларида ҳам тез сур'атлар блан олиб борилмоқда.

Навоий кўчасида янги муассасалар ва маданий-маиший, савдо-сотиқ учун мўлжалланган бинолар ҳам кўпайди. Янги бинолларнинг пастки қаватларида катта гастроном, аптика, главмясторг, Отельемод, Ўзбекенкиижторг, сартарошхона ва фирминний магазинлар очилиб, аҳолига хизматни тобора яхшиламоқда. Бу савдо-сотиқ магазинларига кирсангиз, киши эҳтиёжи учун керак бўлган ҳамма нарса муҳайё.

Кекса сайловчилар Навоий кўчасини тамоша қилар эканлар:

— Бундан 20 — 30 йил бурун отабоболаримиздан қолган пасхам уйлар ва ёзда чанг, қишда лой, кишини зериктиручи тор кўчалар бор эди, холос — дейдилар. Улар Совет ҳокимияти йилларида, айниқса Улуғ Ватан урушидан кейнги йилларда шаҳарнинг қиёфаси бутунлай ўзгариб, обод бўлиб, тобора, яшариб бораётганлигини мароқ блан сўзлайдилар.

Навоий кўчаси Москва райони территориясидан ўтади. Районнинг бошқа кўча ва маҳаллаларида ҳам қурилиш ишлари кенг кўламда олиб борилмоқда. Лабзак кўчасида Жуковский номли 137-нчи ўрта мактаб, болалар боғчаси учун 2 та икки қаватли бино, Навоий кўчасида Ўртаосиё политехника ва Юридик институтлари студентлари учун тўрт қаватли янги ётоқхона бинолари қурилмоқда. Бу район территориясида «Пахтакор» спорт жамияти а'золарининг 50 минг киши сиғадиган стадиони, комсомол майдонида катта фонтан қурилмоқда. Янги парк, гулзорлар, дам олиш жойлари кўпайтирилади. Буларнинг ҳаммаси меҳнаткашлар учун хизмат қилади.

Қурилиш, ободончилик ишлари ҳарбир районда ҳам қизғин бормоқда. Москва районига туташ бўлган Октябрь районида янгилик, қурилиш йилдан-йилга кучайтирилмоқда. Аҳолига маданий-маиший хизмат тобора яхшиланмоқда. Бу районда кейнги тўрт йил ичида уй-жой қурилиши ремонтига тўрт миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. 35635 квадрат метр кўча ва йўлкаларга асфальт ётқизилди. 3522 квадрат метр янги кўчалар қурилди. 16722 туп дарахт кўчатлари ўтказилди. Кўчалар ва майдонларда ҳар йили 2 миллион тупдан ортиқ гул кўчатлари кўкартирилмоқда. Узоқ ва айланма Чиғатой, Сағбон, Қорасарой, Ҳамза, Тахтапул кўчалари текисланиб, асфальт ётқизилди.

Районда Чинни завод, Средазгидрострой, Тошхолодильник, Ўзбекбирлашув базалари ва бошқа жамоат бинолари ва корхоналар қурилди. Янги ошхона, кафе, аптекалар очилиб, аҳоли учун хизмат қилмоқда. Пушкин ва генерал Собир Раҳимов номли парклар йилдан-йилга гўзалланиб оромбахш манзилларга айланмоқда.

Мактаб-маориф ишларида ҳам катта ўзгаришлар бор. Районда кейнги тўрт йил ичида 4 та янги мактаб очилди. Район мактабларида ҳозир 22 мингга яқин бола та'лим олмоқда. Районда 1-нчи, 38-нчи, 23-нчи, 16-нчи ва 119-нчи қизлар ўрта мактабида бирнеча минг қизлар ўрта ма'лумот олиб, билим чўққиларини эгаллаш учун зўр ғайрат блан ўқимоқдалар.

Ўтмишда — Октябрь Социалистик революциясидан илгари ўзбек хотин-қизлари чор деворлар орасида қоронғилиқда яшар эдилар. Улар ма'рифат, илм, эркин ҳаётдан бутунлай маҳрум эдилар. Октябрь революцияси эски тузумни парчалаб, мамлакатимиз халқларига эркин ҳаёт келтирди. Оналаримиз, опа-сиңгилларимиз эрк қуёшининг ҳаётбахш нурларидан баҳраманд бўлдилар. Уларга эркаклар каби юксалиш йўллари кенг очилди. Улар СССР Конституцияси қуёши остида халқ хўжалигимизнинг турли соҳаларида актив қатнашаётганлар.

Кекса сайловчи Муҳаммаджон ота Муслимов Ҳамза кўчасининг охиридаги 23-нчи қизлар ўрта мактабида ташкил этилган 18/18 сайлов участкасида овоз беради. Муҳаммаджон ота сайлов участкасини кўз олдига келтирар экан, энг аввал ўз фарзандларини ўйлайди. Унинг тўнғич қизи Ҳадича сайлов участкаси жойлашган 23-нчи мактабни қумуш медаль блан тамомлаб, ўқитучилик қилмоқда. Отанинг кичик қизлари Васила ва Маҳфуза IX-ва VIII-синфларда яхши баҳолар блан ўқимоқдалар. Бу мактабда отанинг фарзанди кабн 900 га яқин қиз та'лим олмоқда. Муҳаммаджон ота ўзи учун, ўз қизлари учун, бахтли ҳаёт, фан ва маданият учун овоз беришини изҳор қилмоқда. У бугун сайлов қутилари ёнига энг биринчилар қаторида келади.

Шаҳар кўчалари турли алвон, плакат, доҳиларимиз ҳамда партия ва ҳукуматимиз раҳбарларининг портретлари блан безатилган. Йўллар ва кўчаларда, сайлов участкаларида минг-минглаб электр лампочкалари порлаб турибди. Бугун тунда ҳам ҳаёт ҳарқачонгидан ҳам кучли мавж уриб қайнади. Ҳамма барвақт туриб ўз гражданлик бурчини бажариб, коммунистлар блан партиясизлар блокининг кандидатлари учун овоз беришга бормоқда.

Шаҳар байрам тусини олган. Ҳамма ерда баҳор нафаси, халқ шодлиги дилларга завқ беради. Обод ва гўзал шаҳримизнинг меҳнаткашлари сайлов участкаларига бормоқдалар. Улар бахтли, фаровон ҳаёт учун, она Ватан, жонажон партиямиз учун ҳамжиҳатлик блан овоз берадилар.

**Н. ЭГАМНАЗАРОВ.**

## Албания пахтакорлари кенгаши қатнашчиларининг мурожаати

ТИРАНА, 12 март. (ТАСС). Албания илғор пахтакорларининг кенгаши ўз ишини тамомлади. Кенгаш мурожаат қабул қилиб, мамлакатнинг барча пахтакорларини пахтадан мўл ҳосил олишга эришиш учун, Албаниядаги энг яхши пахтакорларнинг тажрибасини қўлланиш учун, совет илғор тажрибасини кенг равишда ёйиш учун курашишга чақирди.

Мурожаат албан деҳқонларини кўкламги экишни муваффақиятли ўтказишга ва қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш соҳасида Албания Меҳнат партияси Марказий Комитетининг декабрь пленуми томонидан қўйилган вазифаларни бажариш учун социалистик мусобақа бошлаб юборишга чақиради.

Кенгашнинг охирги мажлисида Халқ мажлиси президиумининг раиси Хожи Леши қишлоқ хўжалик кооперативлари а'золарининг ва якка хўжалик деҳқонларнинг катта группасига пахтадан юқори ҳосил олганликлари учун орден ва медальлар топширди.

## ХИТОЙДА АҲОЛИНИ РУЙХАТГА ОЛИШ

ПЕКИН, 11 март. (ТАСС). Хитойда халқ вакиллари маҳаллий мажлисларига сайлов ўтказиш блан бир вақтда аҳолини ялпи рўйхатга олиш ҳам ўтказилмоқда. «Женьминьжибао» газетасининг бугун хабар беришига кўра, февраль ойининг охиригача тўққизта вилоятда, шунингдек 10 та йирик шаҳарда, шу жумладан Шанхай, Аньшань, Сиань ва Чунцинда рўйхатга олиш тўла равишда тамомланган. Бошқа олтита вилоятда, Ички Мўғулистон автоном районида, шунингдек Пекинда,. Тяньцзиньда ва бошқа шаҳарларда аҳолини рўйхатга олиш тугалланмоқда.

Газетанинг ёзишича, рўйхат натижалари шаҳар аҳолисининг ҳам, қишлоқ аҳолисининг ҳам кўпайганлигини кўрсатади. Масалан, етти вилоятнинг 23 уезда ва Ички Мўғулистон автоном районида аҳолини рўйхатга олиш ма'лумотларига кўра, аҳолининг сони 1953 йил январидагига нисбатан 4,1 процент кўпайган.

## Хитой Халқ Республикасида саноат қурилиши

ПЕКИН, 12 март. (ТАСС). «Чжунсуюхаобао» газетаси Совет Иттифоқининг хитой халқига берайтган ёрдами ҳақида ёзмоқда.

Хитойни индустриализация қилишнинг асосий базаси Шарқи-Шимолий Хитойдир. Бу ерда шу йил ичида кўпгина йирик саноат об'ектлари, шу жумладан автозавод машинасозлик ва станоксозлик корхоналари, кучли электростанциялар, нефть, металлургия ва кўмир саноати учун электр ускуналар, машина ва механизмлар ишлаб чиқарадиган корхоналар қурилади. Бу корхоналарнинг энг муҳимлари, — деб ёзади газета, — Совет Иттифоқининг Хитойга иқтисодий ва техника ёрдами бериш программаси бўйича қурилмоқда.

Совет мутахассислари, — деб ёзади газета, — мамлакатнинг бошқа районларида корхоналар қуришга ҳам катта ёрдам бермоқдалар. Шимолий Хитойда Совет Иттифоқининг ёрдами блан Тайюань теплоэлектростанцияси ва Финфин кўмир конлари каби йирик янги қурилишлар олиб борилмоқда. Бу кўмир конлари Хитойда коксланучи юқори сифатли кўмир чиқарадиган энг йирик район бўлади. Ғарби-Шимолий Хитойда нефть саноати ривожланмоқда. Шанхайда совет мутахассисларининг бевосита иштироки блан 5 та энг йирик давлат машинасозлик заводи реконструкция қилинмоқда. Даида металлургия комбинати барпо этиш юзасидан катта ишлар бошланмоқда. Ғарби-Жанубий Хитойда йирик Чунцин электростанцияси шу ойда биринчи ток беради.

Бошқа газеталар ҳам Совет Иттифоқи томонидан халқ Хитойига мамлакатни индустриализация қилиш ишида ёрдам берилаётганлиги ҳақида хабар қилмоқдалар. «Дагунбао» газетаси Сунцзян вилоятидаги Цзямусида давлат қогоз комбинати қурилаётганлиги ҳақидаги хабарни босиб чиқарди. Газетанинг ёзишича, бу ердаги ҳамма ишлар совет мутахассисларининг раҳбарлигида амалга оширилмоқда. Комбинатнинг ҳамма 30 цехи энг янги совет машиналари блан ускуналанади. Шу блан бирга энг муҳим ишлабчиқариш процесслари тамомила механизация қилинади.

## Япония ишчи-деҳқон партиясининг с'езди ўз ишини тамомлади

ШАНХАЙ, 11 март. (ТАСС). Токио радиосининг хабар беришича кеча Токиода Япония ишчи-деҳқон партиясининг тўртинчи с'езди ўз ишини тамомлаган.

Партиянинг раиси қилиб Хисао Қурода қайтадан сайланган. С'езда марказий комитетнинг ва контроль комиссиянинг янги состави сайланган. Партиянинг с'езд томонидан белгиланган иш программасида қайтадан қуролланиш бюджетига қарши, конституцияни ҳимоя қилиш йўлида, америка-япон ҳарбий битимига қарши, Совет Иттифоқи блан, Хитой Халқ Республикаси блан ва бошқа демократик мамлакатлар блан савдо-сотиқни ривожлантириш учун курашиш зарурлиги кўрсатилади.

## Бухарестдаги Халқаро шахмат мусобақасида

БУХАРЕСТ, 12 март. (ТАСС). Бугун Бухарестдаги халқаро шахмат мусобақасида 10-нчи давра ўйналди.

Филипп блан Штальберга ўртасидаги ўйин тез тугади. Рақиблар биттадан от ва пиёдаларни олмаштиргач, 11-нчи юришдаёқ ўйинни дуранг қилишга рози бўлдилар. Шандор блан Клюгер ва о'Келли блан Чоколтя ўртасидаги ўйинлар ҳам дуранг бўлиб тугади.

Войкулеску блан Холмов ўртасидаги ўйинда совет мастери 32-нчи юришда ғалаба қозонди.

Совет мастери Корчной Вейдга қарши бўлган ўйинда жуда усталик блан ўйнади. У, 40-нчи юришда ғалаба қозонди. Нажмиддинов блан Сабо ўртасидаги ўйин совет мастерининг позицияси яхши бўлган ҳолда кечиктирилди.

Паолий мусобақада биринчи ғалабага эришди. у Сливани ютди.

Пахман блан Троянеску ва Бэлэнел блан Фурман ўртасидаги ўйинлар кечиктирилди.

Эртага чала қолган ўйинлар давом этдирилади.

## БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ ЕВРОПА МАСАЛАЛАРИ БЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ ИҚТИСОДИЙ КОМИССИЯСИ СЕССИЯСИДА

ЖАНВА, 11 март. (ТАСС). Кеча Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)нинг Европа масалалари блан шуғулланучи иқтисодий комиссияси 9-нчи сессиясининг эрталабки мажлисида сессиянинг раиси ва раис ўринбосари сайланди. Франция вакилининг таклифи блан ва Польша вакили қувватлагани ҳолда 9-нчи сессиянинг раиси қилиб Ульрих (Чехословакия) сайланди. Сессия раисининг ўринбосари қилиб Греция вакили Золотас сайланди. Сессиянинг кун тартиби қабул қилинганидан кейин Франция, Совет Иттифоқи ва Финляндия вакиллари умумий баёнотлар бердилар.

Франция вакили Эдгар Фор халқаро ҳамкорликни ривожлантиришда иқтисодий комиссиянинг роли муҳимлигини уқтириб ўтди. У, комиссия ўз э'тиборини Шарқий ва Ғарбий Европа мамлакатлари ўртасида иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришдек масалага қаратиб тўғри иш қилаётганлигини та'кидлади. Тинчликни мустаҳкамлаш, — деди у, — ҳар иккала томоннинг манфаатларини ҳисобга олиш асосида мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларни нормаллаштириш блан маҳкам боғлиқдир. Фор Франциянинг Шарқий Европа блан тузган бирқанча иқтисодий битимлари Франциянинг ҳаётий манфаатларига жавоб берганлигини уқтириб ўтди. Сўнгра у Франциянинг Шарқий Европа мамлакатлари блан иқтисодий муносабатларини ривожлантиришда ҳархил қийинчиликлар борлигини айтди. Бу қийинчиликларни, — деди у, — узоқ муддатли битимлар тузиш йўли блан бартараф қилиш мумкин.

Сўнгра Совет Иттифоқи вакили П. Н. Кумикин сўзга чиқиб, БМТнинг Европа масалалари блан шуғулланучи иқтисодий комиссиясининг ҳозирги сессияси бир томондан, халқаро муносабатлардаги кескинлик юмшаган ва иккинчи томондан Европадаги барча мамлакатлар ўртасида иқтисодий алоқаларни ривожлантиришнинг аҳамияти ўсган бир вазиятда тўпланганлигини кўрсатиб ўтди. Бу вазиятлар, — деди у, — ҳозирги сессиянинг муҳим ролини ва кун тартибига киргизилган масалаларнинг муваффақиятли равишда муҳокама қилиниши ҳамда ҳал этилиши учун сессия қатнашчиларининг жавобгарлилигини белгилайди. Совет делегацияси, — деди Кумикин, — шуни назарда тутадики, иқтисодий ва ижтимоий тузумларнинг ҳархил бўлишидан қат'и назар барча мамлакатлар ўртасида ўзаро фойдали бўлган савдо-сотиқ тинч экономикани ривожлантириш учун, халқларнинг турмуш даражасини ошириш учун, халқлар ўртасида ҳамжиҳатлик ва дўстликни мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантириш учун асосий шартлардан биридир.

СССР вакили урушдан кейинги даврда Ғарбий Европа мамлакатларининг экономикасини ривожлантириш ишида асосий тўсқинликлардан бири — ташқи савдо соҳасидаги қийинчиликлардан иборат бўлганлигини кўрсатди.

Совет вакили иқтисодий комиссиянинг ва ундаги комитетларнинг Европадаги барча мамлакатлар ўртасида савдо алоқаларини кенгайтириш ишидаги фаолиятига СССР ҳамиша тегишли аҳамият бериб келганлигини та'кидлади. У, СССР иқтисодий комиссиясининг барча 9 та комитети ишларида бундан буён иштирок этажагини ҳамда иқтисодий комиссия ҳузурида СССРнинг доимий вакиллиги бўлажагини айтди. Кумикин бу тадбирлар комиссия фаолиятининг муваффақияти учун шарт бўлган ҳамкорликни мустаҳкамлашга ёрдам этади, деб ишонч билдирди.

СССР вакили иқтисодий комиссиянинг ижрочи секретари Мюрдальнинг савдо масалалари юзасидан регионалъаро ҳамкорлик ўрнатиш ҳақидаги ташаббусини қувватлади. Шу блан бирга у айтдики, совет делегацияси Европадаги барча мамлакатлар ўртасида савдо алоқаларини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш блан бир қаторда Европа мамлакатларининг Осиё ва Узоқ Шарқдаги мамлакатлар блан ҳамда Латин Америкаси мамлакатлари блан савдо алоқаларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш ҳам актуал масаладир, деб ҳисоблайди. Сўнгра у, Совет Иттифоқи савдо масалалари бўйича экспертларнинг 1952—1953 йилларда ўтказилган кенгашларининг ижобий натижаларини назарга олиб, Европа масалалари блан шуғулланучи иқтисодий комиссиянинг ижрочи секретари шу йил апрель ойида ўтказишни мўлжаллаган шу хил учинчи кенгашда ҳам иштирок этади, деди.

Финляндия вакили Вихерхеймо Финляндия экономикасининг урушдан кейинги даврда бошидан кечираётган қийинчиликларини ва шу муносабат блан Финляндиянинг Шарқий Европа мамлакатлари блан савдо-сотиқни ривожлантиришдан манфаатдор эканлигини кўрсатди. У, Финляндиянинг Совет Иттифоқи блан тузган битимлари Финляндиянинг экономикасидаги бирқанча қийинчиликларни ҳал этишга олиб боради, чунончи ишсизликни камайтиришга имкон беради, деб уқтириб ўтди.

Сессиянинг кундузги мажлисида Польша вакили Кац—Сухининг Германия Демократик Республикаси ва Германия Федерал Республикаси вакилларини иқтисодий комиссия сессиясининг ишида қатнашишга чақириш тўғрисидаги таклифи муҳокама қилинди. Бу масалани муҳокама қилиш бугун давом этади.

## АМЕРИКА КОНФЕРЕНЦИЯСИ ҲАҚИДА БРАЗИЛИЯ ВА УРУГВАЙ МАТБУОТИНИНГ ЁЗГАНЛАРИ

МОНТЕВИДЕО, 12 март. (ТАСС). Бразилия ва Уруғвай матбуоти Х панамерика конференциясига катта э'тибор бермоқда. Кўп газеталар АҚШнинг «коммунистик хавф»га қарши кураш баҳонаси блан конференцияда Латин Америкаси мамлакатларининг ички ишларга аралашишдан иборат ўз планини қабул қилдиришга қаратилган уринишини қораламоқдалар ва Гватемала делегациясининг конференцияда тутаётган позициясига ҳайрихоҳлик билдирмоқдалар. Бразилияда чиқадиган «Диарио де нотисиас» газетасининг та'кидлаб ўтишича, Гватемала Каракасда ўз тақдирини ўзи «ажнабийлар аралашувисиз...» эркин ҳал этиш ҳуқуқини ҳимоя қилмоқда.

Уругвайда чиқадиган «Эль бьен публико» деган католик газетаси Даллеснинг таклифи гўё «Совет Иттифоқи томонидан бўлиши эҳтимол тутилган агрессияга» қарши қаратилган деган да'воларни танқид қилмоқда. Ҳозирги вақтда, — деб ёзади газета, — Совет Иттифоқининг Америка қит'асидаги бирор мамлакатга ҳужум қилиши мумкин, деган гапларга ҳеч ким ишонмайди. АҚШ бу мамлакатларда миллатчилик кайфиятида бўлган коалицион ҳукуматлар тузилишидан қўрқаётир. ҳолос.

Уругвайда чиқадиган «Насиональ» газетасининг ёзишича, бошқа проблемалар теварагида шовқун-сурон блан пропаганда юргизилаётганига қарамай, Х панамерика конференциясининг диққат марказида иқтисодий масалалар турибди. Жанубий Америка мамлакатларининг иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги, хомаш'ё нархлари ҳақидаги масалаларнинг ҳал этилишини талаб этажаклари равшан эди, — деб ёзади газета. — Броқ, давлат департаменти «бу масалалар» юзасидан изоҳатлар беришни истамай, Латин Америкаси мамлакатларида коммунизм проблемаси блан шуғулланади, шундай қилиб, э'тиборни бошқа масалалардан четга тортиш блангина қолмай, балки Гватемала устидан ўзининг тўла контролини амалга ошириш имкониятини берадиган системани вужудга келтириш учун тегишли чораларни кўришга ҳам интилади. Гватемаладаги хусусий йирик капитал харажатларга ҳимоя қилаётган давлат департаменти Гватемалани фақат шунинг учун коммунистик мамлакат деб атаётирки, Гватемала национализация сиёсатини ва аграр реформани амалга оширабошлади»

«Эль дебате» газетаси бундай деб ёзади: Каракасда икки йўл, я'ни АҚШнинг «коммунизмга қарши кураш» баҳонаси блан дун'ёда ҳоким бўлиб олишга қаратилган йўли ва ўз иқтисодий ҳамда социал проблемаларини дарҳол ҳал этишни истаётган Латин Америкаси мамлакатларининг йўли аниқ ма'лум бўлди.

Прогрессив матбуот АҚШнинг Каракас конференциясидаги позициясини қат'иян қораламоқда.

## ПАНАМЕРИКА КОНФЕРЕНЦИЯСИДА АМЕРИКАНИНГ СИЁСАТИ БАРБОД БЎЛГАНЛИГИ ҲАҚИДА «НЬЮ-ЙОРК ПОСТ» ГАЗЕТАСИНИНГ ЁЗГАНЛАРИ

НЬЮ-ЙОРК, 12 март. (ТАСС). «Нью-Йорк пост» газетаси Каракасдаги (Венесуэла) Х панамерика конференциясининг боришини шарҳлаб редакцион мақоласида бундай деб ёзади: «Даллес коммунизмга қарши фронт тузиш ниятида Каракас конференциясига келди. У, Америка Қўшма Штатларига қарши фронт пайдо бўлаётган ҳолда бу ердан жўнаб кетмоқда. Бизнинг қуруқ сўзда эришган ҳеч қандай ғалабамиз идеология соҳасида учраган қаттиқ мағлубиятимизни яшираолмайди...». «Ҳатто ўз мамлакатида конференция қатнашчиларини қабул қилаётган Венесуэла диктатори Перес Хименес сингари ўтакетган ўнг арбоблар ҳам, — деб ёзади газета, — Даллес кўтариб чиққан ғояларга қараганда, Гватемаланинг Қўшма Штатларни «интервенционизм»да айблаб айтган сўзларига кўпроқ қизиқиб қаради. Бу эса Қўшма Штатларга шубҳа блан қараётган латинамерикаликларнинг умумий кайфиятини ифода қилди»... «Гватемала ташқи ишлар министрининг бизга ҳужум қилиб айтган сўзлари қарсак чалиб кутиб олинганги ҳолда, — деб ёзади газета, — Даллеснинг коммунизмга қарши айтган сўзлари жимжитлик блан кутиб олинганлиги кўп нарсалардан дарак беради».

## ҲИНД ДЕҲҚОНЛАРИНИНГ НАМОЙИШИ

ДЕҲЛИ, 11 март. (ТАСС). «Индиан экспресс» газетасининг хабар беришича, кеча Патнада (Бихар штатининг пойтахти) маҳаллий қонун чиқаручи мажлис биноси олдида деҳқонларнинг 10 минг кишилик намойиши бўлган. Деҳқонлар сувдан фойдаланганлиқ учун олинадиган солиқнинг камайтирилишини ҳамда деҳқонларнинг ишлаб турган ерларидан ҳайдаб юборилишларига хотима берилишини талаб қилганлар. «Ксан сабха» маҳаллий ташкилотининг раҳбарлиги остида ўтказилган намойиш қатнашчиларининг делегацияси ўз талаблари баён этилган меморандумни штатнинг бош министри Кришна Синхга топширган.

Патна шаҳрининг рикшалари деҳқонлар блан бирдамлик белгиси сифатида умумий забастовка э'лон қилганлар.

## ЭРОНДА ҲАРБИЙ БАЗАЛАР ҚУРИЛИШИ

ТЕҲРОН, 13 март. (ТАСС). «Сетаре» газетасининг билдиришига қараганда, Эрон ҳукумати Шерозда аэродром қуришни мўлжаллайди. Бу аэродром реактив самолётларнинг учиши ва қўниши учун мослаштирилади.

## ФРАНЦИЯДА ЗАБАСТОВКА ҲАРАКАТИ

ПАРИЖ, 13 март. (ТАСС). Бельфорда электр ускуналари ишлаб чиқаручи «Альстом» заводининг ишчилари ўз моддий аҳволларини яхшилаш учун узоқ вақтдан буён курашни давом этдирмоқдалар. «Юманите» газетасининг билдиришига қараганда, бу заводнинг 5 минг ишчиси ишқаҳининг оширилишини ва касаба союзларнинг раҳбарларига қарши кўрилаётган тадбирларнинг бекор қилинишини талаб этиб забастовка э'лон қилган.

## МАЛАЙЯДА ИШСИЗЛИК ЎСМОҚДА

ПЕКИН, 12 март. (ТАСС). Синьхуа агентлигининг Сингапурдан олинган хабарга асосланиб билдиришича Малайяда кончилар орасида 13.484 ишсиз бор. Бу хабарга қараганда, ўтган йилнинг январь ойида кончилик саноатида 50.859 киши ишлаган. Шу йил январь ойида эса ишлаётган кончиларнинг сони 37.375 кишигача камайган.

Каучук плантацияларидаги ишчилар ўртасида ҳам ишсизлик ўсмоқда. Январь ойининг ўзидагина каучук плантацияларида 2 мингга яқин киши ишдан бўшатилган. Синьхуа агентлигининг хабарида айтилишича, ишсизликнинг ўсишига сабаб — Американинг «Эмбарго» сиёсатидир. Бу сиёсат Малайянинг экономикасига путур етказмоқда.

# Тошкентда

## ЛАТВИЯ ССР ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ АРТИСТЛАРИНИНГ КОНЦЕРТЛАРИ

**Латвия ССР Давлат филармониясининг концерт бригадаси, Ўзбекистон ССР Давлат филармониясининг таклифига мувофиқ, Тошкент шаҳрига келди.**

**Концерт бригадасининг состави асосан ёшлардан иборат. Бригада составида ёшлар ва студентларнинг Бухарестда бўлиб ўтган IV Жаҳон фестивалининг иштирокчиси, моҳир скрипкачи Лида Рубэнэ, Давлат рус драма театрининг артисти, Латвия ССРда хизмат кўрсатган артист Илга Званова, қўшиқчи Юлия Вильгертэ демократик ёшларнинг Берлинда бўлиб ўтган фестивали конкурсининг лауреати коклеч (қадим миллий халқ музика асбоби) Дзидра Янсон, Рига филармониясининг солисти, тенор Рихард Вейде, пиониначилар Бутуниттифоқ биринчи конкурсининг дипломанти Евгений Крамер, Латвия ССР Давлат филармонияси вокаль дуэтнинг солистлари Сильвия Бук ва Лайма Зоммер ҳамда артист — фельетонист Михаил Вядро бор. Улар Ўзбекистонда бирнеча кун бўладилар ва Тошкент, Наманган, Андижон, Ўш шаҳарларида 12 марта концерт берадилар.**

**Ҳаммадан шу нарса диққатга сазоворки, ижодий юксалиш йўлидан бораётган ва ҳамма ерда самимий кутиб олинаётган концерт бригадаси ижодий коллективининг репертуари ғоят бой ва рангба-ранг ҳамда жуда мазмунли ва мароклидир. Композитор Глиэрнинг «Романс»и, Владигеровнинг «Болгар рабсодияси», Крейслернинг «Латиш польканси», «Марш»и, латиш ёзучиларининг асарларидан фрагментлар ва ҳикоялар, латиш композитори Лиепиняннинг «Рига ҳақида қўшиқ». Калнинянинг «Кулиб турар сенинг кўзларинг» қўшиғи ва рус лирик ҳамда юмористик қўшиқлари, сатира ва фельетонлари, Штраус ва Хачатурянларнинг асарлари концерт бригадасининг репертуаридан катта ўрин эгаллаган.**

**Қардош литвали меҳмонларнинг концерти пойтахт тамошабинларида чуқур таассурот қолдирди ва совет халқлари ўртасидаги бузилмас дўстлик — ўз аро маданий ҳамкорлик тобора мустаҳкамланиб бораётганини яққол намойиш қилди.**

**Суратда:** Латвия ССР давлат филармонияси артистлари группаси. Биринчи қаторда — (чапдан ўнгга) **Бук Сильвия, Илга Званова, Дзидра Янсон, Лайма Зоммер, Лида Рубэнэ.** Иккинчи қаторда — (чапдан ўнгга) **Рихард Вэйдэ, Юлия Вильгертэ, Евгений Крамер, Михаил Вядро.**

**А. Палехов фотоси.**

## Кенг исте'мол моллари ишлаб чиқариш кўпайтирилмоқда

Тошкент шаҳрида кенг исте'мол моллари ишлаб чиқариш тобора кўпаймоқда. Мебель фабрикаси реконструкция қилинмоқда. Пландаги ишлар тамомлангач, бу ерда мебель тайёрлашнинг йиллик суммаси 6 миллион сўмгача етказилади. Бундан ташқари, йилига 10 миллион сўмлик мебель тайёрлаш қувватига эга бўлган янги мебель фабрикасини қуриш ишлари бошланди. Шунингдек, «Шарқ юлдузи» ва «Иттифоқ» артельлари базасида йирик мебель фабрикаси қурулади.

Бу йил, йилига 5 миллион квадрат метр толь ишлабчиқариш қувватига эга бўлган янги толь фабрикаси ишга туширилади. Промкооперация бошқармаси макарон фабрикаси қуришга киришди.

1954—1955 йиллар мобайнида шаҳарда металл буюмлари заводи қурилади. Бу завод электрохолодильниклар, кир ювиш машиналари, электр вентиляторлар, чўян идиш-товоқлар, дазмоллар ва бошқа уй-рўзғор буюмлари ишлаб чиқаради.

## Янги савдо тормоқлари

Тошкент ва Урсатьевск темир йўл бўйлимларида саноат ва озиқ-овқат маҳсулотлари блан савдо қилучи янги магазинлар, ларёклар ва палаткалар ташкил этилди. Сирдар'ё ва Сергили станцияларида универсаль магазинлар очилди. 1 апрельдан Урсатьевск станциясида янги савдо павильони ишга туширилади .

## Контейнерларнинг янги конструкцияси

Темирйўл платформаларида енгил саноат ва кенг исте'мол маҳсулотларини контейнер-ящикларда ташиш кенг қўлланилаётир. Контейнерлардаги юклар ҳеч бир уринмасдан яхши сақланади. Юкларни контейнерларда ташиш механизацияни кенг қўллашга имкон туғдириб, вагонларнинг бекор туриб қолишини қисқартиради.

Мамлакатимиз темирйўлларида контейнерларни қўллаш ҳар йили халқ исте'моли маҳсулотларини ортишда тарлар учун ишлатиладиган 5 миллион кубометр ёғоч ва 10 миллион метр матони иқтисод қилиш имконини беради.

Темир йўл транспортида ҳозирги вақтда фойдаланилаётган контейнерларнинг конструкциясини Ленинграддаги темирйўллар институтининг илмий ходимлари ишлаб чиқарган. Халқ исте'моллари маҳсулотларини ташиш ҳажми ошганлигини ҳисобга олиб, институт илмий ходимлари янги контейнерлар конструкциясини ишлаб чиқардилар. Янгиларининг оғирлиги эски контейнерлар блан баробар, аммо ҳажми анча катта. Бу йил янги контейнерлардан бирнеча ўн мингтаси ишлаб чиқарилади.

Тошкент темир йўл контейнерлар парки ҳам яқин кунларда янги конструкциядаги контейнерлардан олади.

Шунингдек, институт илмий ходимлари ғишт ва бошқа қурилиш материаллари ҳамда сут, ёғ ташиш учун махсус контейнерлар яратиш устида иш олиб бормоқдалар. Бу контейнерлар махсус совитиш системаларига эгадир.

## Хотин-қизларнинг республика шахмат чемпионати

Ўзбекистон хотин-қизларининг VIII шахмат чемпионатида тўққиз турдан кейин олдинда Пронина бормоқда. У сўнгги турда Грудзинскаяга қарши ўйнаб ғалаба қозонди.

Чемпионатда конкурсдан ташқари қатнашаётган халқаро мастер Бикова тўқкизинчи турда Чехрадзе устидан ғалаба қозонди. Шундай қилиб, Бикова 8,5 очкога, Пронина 7 очкога, Козлович ва Дмитрук 5,5 тадан очкога эгадирлар.

## ОБ-ҲАВО МА'ЛУМОТИ

Тошкент об-ҳаво бюросининг ма'лумотига қараганда Ўзбекистонда ҳаво ўзгариб туради. Хоразм ва Қарақалпоғистонда кечалари температура 3—8 даража ўртасида иссиқ, бошқа областларда кечалари температура 0—5 даража, кундузи 10—15 даража, жануб томонларда эса температура 22 даражагача иссиқ бўлади.

Тошкентда кечалари булут бўлиб, ёғингарчилик бўлмайди. Температура 1—3 даража, кундузи 14—16 даража иссиқ бўлади.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

## ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 14/III да кундуз **Кечирилмас гуноҳлар**, кечқурун **Бой ила хизматчи**, 16/III да **Юрак сирлари**.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 14/III да кундуз **Мис чавандоз**, кечқурун **Севилья сартароши**, 16/III да **Кармен**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 14/III да кундуз **Армуғон**, кечқурун **Муқимий**, 16/III да **Нурхон**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — янги программада цирк тамошалари. Бугун **уч марта тамоша кўрсатилади**. Тамошалар кундуз соат 1, 4 ва кеч 8 да бошланади.

«РОДИНА» — кундуз **Катта ҳаёт**, кечқурун **«Калиновая рощча»**.

СОБИР РАҲИМОВ номли кинотеатр — кундуз **Йўлбарс**, кечқурун **Катта ҳаёт**.

НАВОИЙ номли кинотеатр — кундуз **Цирк**, кечқурун **«Калиновая рощча»**.

«ИСКРА» — ҳамма залда **Сепли тўй**.

«ЁШ ГВАРДИЯ» — кундуз **Катта ҳаёт**, кечқурун **«Калиновая рощча»**.

«ЎЗБЕКИСТОН» — **«Калиновая рощча»**.

«КОМСОМОЛ 30 ИИЛЛИГИ» — кундуз **Катта ҳаёт**, кечқурун **«Калиновая рощча»**.

**1954 йил 25 март** кундуз соат 3 да, Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг илмий совети мажлисида (Гоголь кўчаси, 98-нчи уй, 45-нчи аудитория)

**Т. Г. Тучкова**

қишлоқ хўжалик фанлари қандидати деган илмий даражани олиш учун: «Ипак қурти капалагининг тухумлаш қобилияти» деган темада

**ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИ**

Расмий оппонентлар: биология фанлари доктори профессор В. В. Яхонтов ва қишлоқ хўжалик фанлари кандидати, старший илмий ходим В. А. Струнников.

Диссертация блан институт кутубхонасида танишиш мумкин (Киров кўчаси, 32-нчи уй).

Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги
«ТАШХЛЕБТОРГ»НИНГ
МАХСУС НОН МАГАЗИНЛАРИДА
ҲАРХИЛ НОНЛАР ВА БУЛКАЛАР,
НОН-КОНДИТЕР МАГАЗИНЛАРИДА
КОНДИТЕР МОЛЛАРИ ВА СОВҒАЛАР
СОТИЛМОҚДА



Магазинларнинг адреси: № 8 — Ленин кўчаси, 57-нчи уйда, № 16 — Ленин кўчаси, 36-нчи уйда, № 4 — Куйбишевское шосседа, № 32 — Навоий кўчасида, № 44 — Шота Руставели кўчасида ва бошқалар.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 157, Пропаганда бўлими — 157, Совет қурилиши бўлими — 137, Маданият бўлими — 135, Адабиёт ва сан'ат бўлими — 135, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими — 136, хатлар бўлими — 137, Секретариат — 34048, э'лонлар бўлими — 38142.

Р 00462. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. Х 1289.